

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИНИНГ ЙИГИРМАНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, мухтарам Сенат аъзолари! Хурматли ялпи мажлис қатнашчилари! Авваламбор, бугун сиз, азизлар билан учрашиб, барчангизни соғ-саломат, яхши кайфиятда кўриб турганимдан мамнунман.

Шу имкониятдан фойдаланиб, сизларга ўзимнинг юксак ҳурматим ва самимий тилакларимни билдираман.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бугунги ялпи мажлиси барқарор миллий тараққиётимизнинг янги босқичида, жамиятимиз ҳаётининг барча соҳа ва тармоқларида кенг қўламли ва шиддатли демократик ислохотлар жадал олиб борилаётган масъулиятли бир даврда бўлиб ўтмоқда.

Хозирги кунда кўпмиллатли халқимиз мамлакатимизда қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган устувор мақсад ва вазифаларни амалга ошириш йўлида баҳамжихат бўлиб, қатъият ва фидойилик билан меҳнат қилмоқда.

Олдимизга қўйган улкан марраларга эришиш учун давлатимиз ва жамиятимизнинг барча куч ва имкониятлари сафарбар этилмоқда. Айниқса, давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш, миллий иқтисодиётимизни ривожлантириш ва либераллаштириш, ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, хавфсизлик, миллатлар

раро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш, самарали ташқи сиёсат олиб боришдек устувор йўналишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Халқ билан доимий ва тизимли мулоқот асосида умумий сони 33 миллиондан ортиб бораётган аҳолимизнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш борасида янги қадамлар қўйилмоқда. Жумладан, иқтисодиёт соҳасида ижтимоий йўналтирилган ҳақиқий бозор муносабатларини жорий этиш, тадбиркорлик, хусусий мулк ривожига кенг йўл очиб бериш, замонавий ишлаб чиқариш корхоналари ва инфратузилмаларини ташкил этиш масалаларига биринчи даражали аҳамият берилмоқда. Янги иш ўринлари яратиш, замонавий уй-жойлар, йўл ва кўприклар, болалар боғчалари, мактаблар ва олий ўқув юртлири, шифохоналар, маданият ва санъат, спорт масканларини барпо этиш, бир сўз билан айтганда, халқимизнинг ҳаёти обод ва фаровон бўлишига эришиш, уни рози қилиш — барча бугундаги раҳбар ва мутасаддиларнинг фаолият мезонига айланмоқда.

Албатта, ҳаётимизда бундай улкан микёсдаги иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий-ҳуқуқий ислохотларни амалга оширишда миллий парламенти — Олий Мажлис ва унинг юқори палатаси бўлиб Сенатнинг, сиз, ҳурматли сенаторларимизнинг фаолияти гоят муҳим аҳамиятга эга эканини ҳаммамиз яхши биламиз.

Биз Сенат деганда, биринчи навбатда, миллий пар-

ламентимизнинг сиёсий, ҳуқуқий ва маданий салоҳиятини амалда намоён этадиган, халқ манфаатларининг чинакам ифодачиси ва ҳақиқий ҳимоячиси бўлган катта бир кучни тасаввур қиламиз.

Едингизда бўлса, бундан икки йил олдин, яъни, 2017 йил 12 июль кунини сиз, мухтарам халқ ноиблари билан учрашиб, парламентимиз фаолиятини бугунги шиддатли даврнинг ўткир талаблари асосида янада такомиллаштириш бўйича энг муҳим вазифаларни белгилаб олган эдик.

Мен яхши эслайман, ўша учрашувда "Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижроچиси бўлиши керак", деган фикр ўртага қўйилган эди.

Ана шу дастурий гоёни амалга ошириш учун Олий Мажлисга Мурожаатномаларимизда ҳам Ўзбекистоннинг бугунги ижтимоий-сиёсий ҳаётида миллий парламентаризмни ривожлантириш билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратилгани сизларга яхши маълум. Бу борада, жумладан, Олий Мажлис палаталарининг жамиятимиз ва давлатимиз ҳаётидаги ўрни ва нуфузини ошириш, уларнинг ишини самарали ташкил этиш учун зарур шароит яратиш, депутатлар ва сенаторлар фаолиятининг моддий-ташқилий таъминотини яхшилашга қаратилган муҳим чора-тадбирлар қўрилди.

2-БЕТ

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ҚОЗОҒИСТОН БОШ ВАЗИРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 21 июнь кунини Ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Қозоғистон Республикаси Бош вазири Асқар Маминни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги дўстлик ва стратегик шериклик муносабатлари изчил мустаҳкамланиб, иқтисодиётнинг турли тармоқларида ўзаро манфаатли ҳамкорлик жадаллашиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этди.

Ўз навбатида, Асқар Мамин Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Қозоғистоннинг Биринчи Президенти — Элбоши Нурсултон Назарбоев ва Президент Қосим-Жомарт Тоқаевнинг саломи ва эзгу тилакларини етказди.

Учрашувда қардош мамлакатларимиз раҳбарлари даражасидаги мунтазам учрашувлар ва ишончга асосланган мулоқот икки томонлама муносабатларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилиб, уларни аниқ амалий мазмун билан бойитгани таъкидланди.

Илк бор ҳукумат раҳбарлари даражасида ўтказилган Ҳукуматлараро комиссия мажлиси савдо, инвестициялар, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва логистика, туризм ва бошқа йўналишларда истиқболли лойиҳаларни илгари суришнинг самарали механизми экани қайд этилди.

Худудлараро алоқалар ва маданий-гуманитар алмашинуви кенгайтириш, жумладан, Ўзбекистонда Қозоғистон йили доирасидаги қўшма тадбирларни ўтказишга алоҳида эътибор қаратилди.

Қозоғистон Бош вазири кўп қиррали шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва олий даражада эришилган келишувларни сўзсиз рўйбга чиқариш борасидаги интилиши қатъий эканини таъкидлади.

ЎЗА

Сиёсий партиялар ўртасидаги халқаро ҳамкорлик — демократик жараёнларнинг муҳим бегиши

Наримон УМАРОВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП
Сиёсий Кенгаши раиси
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси Спикерининг ўринбосари

Инсониятнинг бугунги тараққиёт босқичини халқаро ҳамкорликлар даври, деб аташ мумкин. Давлатлар ўртасида икки ва кўп томонлама ўрнатилган ҳамкорлик алоқалари мунтазам кенгайиб, мулоқотлар турли йўналишларда ўз ифодасини топомқда. Айниқса, буни халқаро миқёсда йилдан-йилга нуфузи ортиб бораётган Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг бугунги фаолият қўламини, унинг келгуси мақсад-вазифалари, дастурлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Ушбу ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида ўзаро манфаатли, тенг алоқалар ўрнатилгани халқлар фаровонлиги, тинч ҳаёти ва ҳар бир аъзо мамлакатнинг тараққиёти учун хизмат қилмоқда.

Жорий йилнинг 13-14 июнь кунлари Қирғизистон пойтахти Бишкек шаҳрида ўтказилган Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги саммити доирасида имзоланган ҳужжатлар мазмун-моҳияти ҳам бу фикрларнинг яна бир тасдиғидир.

5-БЕТ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирманчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2019 йил 21 июнь кунини Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирманчи ялпи мажлиси иш бошлади.

Унда ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Олий Мажлис Сенатининг бугунги ялпи мажлиси барқарор миллий тараққиётимизнинг янги босқичида, жамиятимиз ҳаётининг барча соҳа ва тармоқларида кенг қўламли ва шиддатли демократик ислохотлар жадал олиб борилаётган масъулиятли бир пайтда бўлиб ўтмоқда, деди давлатимиз раҳбари.

Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор мақсадлар халқимизнинг фидокорона меҳнати туфайли изчил амалга оширилаётгани, миллий иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани қайд этилди.

Президентимиз халқимизнинг ҳаёт даражаси ва турмуш сифатини янада яхшилаш, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтириш билан боғлиқ вазифаларни бажаришда Сенатнинг роли ва таъсирини ошириш зарурлигини таъкидлади.

Биз Сенат деганда, биринчи навбатда, миллий парламенти-мизнинг сиёсий, ҳуқуқий ва маданий савиясини амалда намоён этадиган, халқ манфаатларининг чинакам ифодачиси ва ҳақиқий ҳимоячиси бўлган катта бир кучни тасаввур қиламиз. Сенатор — бу халқнинг юксак ишончини қозонган вакил, деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида хотин-қизлар учун муносиб иш ва турмуш шароити яратиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш, аёлларнинг социал-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини ошириш масалаларига алоҳида урғу берди.



Бир нарсани тан олиш керак: аёллар халқнинг дардини бошқалардан кўра чуқур ҳис қилади. Бу йил декабрь ойида Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловларда аёлларимиз қанчалик кўп сайланса, бундан давлатимиз ҳам, жамиятимиз ҳам фаяда бўлади, деди Президент.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Олий Маж-

лиси Сенатиде янги — Хотин-қизлар ва гендер тенглиги масалалари бўйича қўмита тузишни таклиф этди.

Ялпи мажлисда ташқилий масала кўриб чиқилди.

Маълумки, 2015 йилдан буён Сенат Раиси бўлиб ишлаб келаётган Ниғматилла Йўлдошев Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори этиб тайинлангани муносабати билан лавозимидан

муддатидан олдин озод этилган эди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 86-моддасига асосан, Олий Мажлис Сенати Раиси лавозимига Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари — Хотин-қизлар қўмитаси раиси лавозимида ишлаб келган Танзила Норбоева номзоди таклиф этди.

3-БЕТ

БУГУННИНГ ГАПИ

«I love Uzbekistan»



ЁКИ ВАТАННИ
ИНГЛИЗЧА
СЕВИШ
КЕРАКМИ?

Бутун юртимиз бўйлаб урға кириб улгурган "I love Uzbekistan!" деб ёзилган, аслида "love" сўзи ўрнига юрак тасвири туширилган лавҳа давлат ва жамоат ташкилотлари, идоралар, йўллар, кўйински, кўплаб жойларда ўрнатилгани жамоатчиликни ажаблантирмоқда. Шу боис кўпчилик зиёлилар мазкур лавҳа урчиб кетаётгани хусусида ўз муносабатини билдирди. Бу ҳақда оммавий ахборот воситаларида бир қатор қизиқ-қизиллар килинди.

5-БЕТ

27 ИЮНЬ — МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев ўз чиқишларида, айниқса, раҳбар ходимларни уйғокликка ундаб келмоқда. Таъкидлаш жоизки, ушбу чақирёқ журналистларнинг зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклайди. Ижодкорнинг сўзи уйғок, таъсирчан бўлиб, одамларнинг дарду ташвишларини аёс эттиради, тараққиётимизга тўсиқ бўлаётган муаммоларни бартараф қилишга қўмақлашса, муддао шудир. Шу билан бирга, журналистика соҳасини ривожлантириш омиллари, тахририятларни ўйлантираётган муаммоларни ҳам назардан четда қолдириб бўлмайди. 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини байрами арафасида бир гуруҳ ҳамкасбларимиз билдирган қуйидаги дил сўзларида шу ҳақда сўз боради.



6-БЕТ

ОЧИФИНИ АЙТГАНДА...

ҚАРОР кимнинг манфаатини ҳимоя қилади?



Жорий йилнинг 1 июнидан бошлаб табиий ва суюлтирилган газ ҳамда электр энергияси учун истеъмол тўловлари қимматлаштириш жараёни тўхтатилди. Нархлар оширилмади. Аммо бу жараён

вақтинчалик ҳолатми ёки доимийми? Бу ҳозирча номаълум. Айни пайтда шунини таъкидлаш керакки, газ ва электр энергияси учун нарх ва тарифларнинг йилга камида икки марта оширилаётгани ва бу жараёнда аҳолининг реал даромадлари ҳисобга олинмаётгани жамоатчилик ўртасида турли норозиликларни келтириб чиқармоқда. "Бу соҳаларда нархлар кўтарилиши сабаблари нимада?" деган ҳақли саволлар пайдо бўлмоқда.

7-БЕТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИНГ ЙИГИРМАНЧИ ЯЛГИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Давоми.
Бошланғич 1-бетда

Ўтган давр мобайнида Ўзбекистонда амалга оширилаётган тизимли демократик жараёнларда Сенат томонидан қонун ижодкорлиги билан бирга таъсирчан парламент назоратини олиб бориш, жойларга чиқиб, аҳолиимизни қўй-наётган, безовта қилаётган муаммоларни ўрганиш, уларни ҳам қонуний, ҳам амалий нуктадан назардан ҳал қилиш юзасидан бир қатор эътиборга лойиқ ишлар амалга оширилаётганини албатта эътироф этиш лозим.

Биз ўз фаолиятимизни бошлаган дастлабки кунлардан эътиборан сиз, ҳурматли халқ вакиллари билан барча муҳим вазифаларимиз қаторида иккита энг асосий масалага алоҳида аҳамият қаратиш ҳақида келишиб олган эдик. Буларнинг **биринчиси — жамиятимизда тинчлик ва оқилолликни сақлаш бўлса, иккинчиси — аҳолиимизнинг соғлиғини муҳофиза қилишдир.**

Ҳаммамиз тушунамиз, **тинчлик ва соғлиқ** — бу ҳар бир инсон, бутун халқимиз учун ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмай-диган буюк неъматдир. Шунинг учун ҳам мана шу икки соҳада биз аҳолини тубдан ўзгартириб, ижобий натижаларга эришса олсак, бутун жамиятимиздаги вазият ва ижтимоий муҳит кескин ўзгаради, мен бунга аминман.

Шу мақсадда биз парламент аъзоларига катта ишонч билдириб, Қонунчилик палатасига — соғлиқни сақлаш соҳасида, Сенатга эса ички ишлар органлари тизимида ислохотларни амалга оширишда бош-қош бўлишни тақдир этган эдик.

Бугунги кунда ички ишлар органлари фаолиятини самарали ташкил этиш, жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликларни профилактикасини йўлга қўйиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, фуқаролар онгида **“Қонун — устувор, жиноятга жазо муқарар”**, деган юридик тамойилни қарор топтириш борасида эришилаётган ютуқларда Сенат аъзоларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Айни вақтда мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, жамиятимизнинг барча жабҳаларини эркинлаштириш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва турмуш сифатини янада яхшилаш, Ўзбекистоннинг халқро майдондаги обрў-эътиборини юксалтириш билан боғлиқ **ғоят долзарб, кенқитириб бўлмайдиган вазифаларни** бажаришда Сенатнинг роли ва таъсирини оширишни ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда.

Бу ҳақда гапирганда, мен Сенат фаолиятида ўз ечимини қўтиб турган бир қатор муҳим масалаларга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Биринчидан, Сенатнинг қонунчилик фаолиятида, ишни тўғри ташкил қилишда талабчанлик ва жонқурлик, ташаббускорлик ва изчиллик етимаётганини қайд этиш лозим.

Мисол учун, 2015-2018 йиллар давомида юқори палата томонидан 140 та қонун маъқулланган бўлса-да, аксарият қонунларнинг маъно-мазмуни Сенатда қўриб чиқилганидан сўнг сезиларли даражада ўзгаримаган.

Маълумки, қонунлар муҳокамасининг бошланғич босқичларида миллий ва ҳудудий манфаатлар нуктаи назаридан Сенат аъзоларининг мазкур муҳомадада фаол қатнашишлари талаб этилади. Афсуски, шу мақсадда тузилган илҳами гуруҳлар фаолиятига айрим Сенат аъзоларининг юзаси ёндашиш ҳолатлари учраб туради.

Гарчи Сенат қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлмаса-да, бу ҳол унинг қонунларни тақомиллаштириш бўйича тақдир қўратишга монелик қилмайди. Тан олиш керакики, бу борада юқори палата вакиллари томонидан ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва маданий соҳалардаги муаммоларни чуқур таҳлил қилиб, қонунчиликни ривожлантиришга оид асосланган тақлифларни қиритиш масаласи, афсуски, талаб даражасида эмас.

Иккинчидан, Сенатнинг парламент назоратига оид амалдаги ваколатларидан тўлиқ фойдаланилмапти. Ўтган 4 йил давомида Сенат томонидан атиги 10 та парламент сўрови юборилгани ҳам бунинг тасдиғидир.

Ижро ҳокимияти органлари фаолияти устидан самарали парламент назоратини амалга ошириш талаб этилаётган ҳозирги шароитда бундай ҳолат бизни албатта қониқтирмайди.

Тўғри, кейинги вақтда Сенат томонидан марказий ва маҳаллий давлат органлари раҳбарларининг ахборотини эшитиш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини жойларга чиқиб ўрганиш юзасидан 131 та назорат-таҳлил тадбирлари ўтказилган. Аммо мазкур тадбирларнинг натижадорлиги паст бўлиб, уларнинг аксарияти фақат тадбир ўтказиш учун номига ташкил этилмоқда.

Парламент назорати доирасида аниқланган тизимли муаммоларни умумлаштириб, ижтимоий-иқтисодий, суд-ҳуқуқ ва бошқа соҳаларга оид қонунчиликни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини тақомиллаштириш бўйича аниқ, асосланган тақлифларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ишлари қониқарли эмас. Айниқса, бу борада халқро ҳуқуқ талабларини ҳамда ривожланган хорижий давлатларнинг қонунчилигини ўрганиш, уларнинг илгор юридик тажрибасини қўллаш бўйича ташаббусларни илгари суриш борасида Сенат фаолиятида ўзгариш сезилмапти.

Учинчидан, ҳаммамиз биламики, Сенат — бу Олий Мажлисининг ҳудудий вакиллик палатасидир. Бироқ Сенат фаолиятида ҳудудларнинг манфаатларини инобатга олиш, умуман, ҳудудларга оид масалаларни қўриб чиқиш яқин-яқингача эътибордан четда қолиб келгани ҳеч кимга сир эмас.

Юқори палата томонидан муайян ҳудудни субвенция (дотация)дан чиқариш бўйича ҳокимнинг ахбороти бирор марта ҳам тингланмаган. Фақатгина 2018 йилда Сенат тарихида илк мартаба тегишли вилоят ҳокимининг ҳудудларни ривожлантириш юзасидан ҳисоботини эшитиш амалиёти йўлга қўйилди. Жумладан, Андижон, Бухоро, Фарғона вилоятлари ҳокимларининг ҳудудларни ривожлантириш ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолияти ҳақидаги ҳисоботлари эшитилди. Лекин булар ҳали етарли эмас.

Айни вақтда юқорида зикр этилган парламент эшитувлари бўйича қабул қилинган қарорларнинг мазмуни асосан ҳокимлик ва маҳаллий давлат идораларига умумий руҳдаги топшириқлар бериш билан чекланиб қолмоқда.

Бу ҳужжатларда ҳар томонлама чуқур тайёранган, ҳар бир ҳудуддаги ижтимоий муаммоларни ечишга, аҳолининг оғирини енгил қилишга қаратилган аниқ вазифалар ўз ифодасини топмапти. Шу билан бирга, ушбу қарорлар ижроси устидан назоратни амалга ошириш ишлари ҳам суст олиб боришмоқда.

Тўртинчидан, маълумки, Сенат зиммасига халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари билан амалий ҳамкорлиқни йўлга қўйиш, уларнинг иш самарадорлигини ошириш вазифаси ҳам юкланган. Ушбу масала бўйича юқори палатамизда махсус комиссия ҳам тузилган.

Мазкур йўналишда дастлаб муайян тадбирлар амалга оширилган бўлса-да, охириги йилларда Сенат томонидан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг фаолиятини қучайтириш бўйича ишлар тизимли асосда олиб борилмапти. Ваҳоланки, жойлардаги маҳаллий Кенгашлар депутатларининг профессионал савияси ва ҳуқуқий саводхонлиги, уларнинг депутатлик фаолиятини тўғри ва самарали ташкил этиш қўниқмалари бугунги кун талаблари даражасида эмас, десак, муболага бўлмайди. Хусусан, биз келгусида ҳокимларнинг ижро ва вакиллик ҳокимияти раҳбари сифатидаги ваколатларини алоҳида-алоҳида ажратиш бўйича ўз олдимизга вазифа қилиб қўйган эканмиз, Сенатнинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари билан самарали ҳамкорлиқни ташкил этишдаги роли ва масъулияти янада ортиши табиий.

Бешинчидан, яна бир муҳим масала — бу Сенатнинг халқро йўналишдаги фаолиятини қучайтириш билан боғлиқ.

Барчамизга аёнки, давлатимизнинг халқро майдондаги обрў-эътиборини қўтариш, фаол таъки сийosat олиб бориш соҳасида ҳам Сенатнинг муҳим вазифалари бор.

Бу соҳада Сенат, хусусан, Раиснинг биринчи ўринбосари Содик Солиҳовнинг Сафоев томонидан қўлгана ишлар амалга оширилаётганини албатта эътироф этишимиз керак.

Катта ҳаётини ва сенаторлик тажрибасига эга С.Сафоев хорижий давлатлар парламентлари ва халқро ташкилотлар билан қўқирғали ва самарали ҳамкорлик алоқаларини қучайтириш, мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳалардаги тўб ислохотларнинг маъно-мазмунини ҳаётини жамоатчилигига етказишда жонбозлик билан фаолият кўрсатмоқда.

Биргина шу йилнинг ўзида Сенат иштироки ва шафелигида 50 дан зиёд халқро анжуманлар, семинарлар ва давра суҳбатлари ўтказилди.

Лекин юқори палатамизнинг халқро йўналишдаги ишининг натижадорлигига яхлит баҳо берадиган бўлсак, ҳали тўла ишга солинмаган имкониятлар мавжуд. Жумладан, Парламентларо Иттифок, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Парламент ассамблеяси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги парламентларо ассамблеяси ва Ўзбекистон номидан Олий Мажлис аъзо бўлган бошқа халқро парламент ташкилотлари билан ишлаш стратегиясини белгилайдиган, аниқ ва узоқ муддатли кўзлайдиган иш режаларини Сенат белгиллаб олиши лозим.

Умуман, парламентларо ҳамкорлик доирасида сенаторларнинг чет элларга расмий таширфлари олдиндан пухта режалаштирилиши керак, музокаралар доирасида хорижий шериклар билан муҳомадага қўйилган масалаларни пишиқ-пухта белгиллаб олиш шарт.

Оддий қилиб айтганда, парламентларо ҳамкорликка оид таширфларга қарор натижадорлик нуктаи назаридан ёндашишнинг вақтисоти келди.

Бундан ташқари, хорижий инвестициялар ва ташқи савдо масалаларига оид тақдирланган қўллаб-йўл ҳараталари ўстидан парламент назоратини амалга ошириш бўйича ҳам Сенат фаолиятини янада тақомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси томонидан имзоланган халқро шартномаларнинг ижросини парламент назорати тартибидан мунтазам ўрганишни йўлга қўйиш лозим.

Азиз дўстлар! Маълумки, ҳар қайси мамлакат, ҳар қайси халқ ҳаётида **Шахс — Оила — Жамият — Давлат** деган тушунча ва қадриятлар ҳал қилувчи ўрин тутади. Жамиятнинг бирламчи ва асосий бўғини бўлган оилани эса муқтарам аёл сиймосисиз асло тасаввур этиб бўлмайди.

Халқимиз азалдан муқаддас Она зотиға, хотин-қизларга доимо юксак эҳтиром кўрсатиб келади. **Аёлга бўлган ҳурмат-эътибор — бу аввало оилаға, жамият келажига бўлган ҳурмат-эътибор ифодасидир.**

Шу нуктаи назардан қараганда, **“Ер юзидаги ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси унинг аёлларға нисбатан муноса-**

бати билан белгиланади”, деган ҳикматли сўзларда албатта чуқур маъно бор.

Ҳозирги глобаллашув даврида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Айниқса, аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини ошириш давр талабига айланмоқда.

Бугунги кунда юртимиздаги давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида 1 минг 400 га яқин аёллар раҳбарлик лавозимларида ишламоқда. Хотин-қизларимиз орасидан Олий Мажлис Сенатига — 17 нафар сенатор, Қонунчилик палатасида — 21 нафар депутат фаолият олиб бормоқда. Маҳаллий кенгашларда эса халқ вакилларининг 23 фоиздан зиёдини хотин-қизлар ташкил этади.

Республика бўйича жорий йилнинг май ойида фуқаролар йиғинлари расмий учун ўтказилган сайловларда 1 минг 25 нафар аёл ўзини ўзи бошқариш идоралари раиси лавозимига сайланди.

Юртимиздаги турли қорхоналарда ишлаётган раҳбар аёллар сонини ҳам ўсиб бормоқда. Бу кўрсаткич 2017 йили 44,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йилда 45,3 фоизга етган.

Хотин-қизларнинг улуши соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар соҳасида 82 фоиздан зиёдини, илм-фан, таълим-тарбия, маданият ва санъат соҳаларида 72 фоизни, қишлоқ ҳўжалигида 45 фоиздан ортқини, санаотда 38 фоизни ташкил этмоқда. Юртимиздаги жами тадбиркорлик субъектлари таркибидан тадбиркор аёлларнинг улуши 29 фоиздан иборатдир.

Шу ўринда БМТ Бош қотиби Антонио Гутерришнинг жорий йил 11-17 март кунлари бўлиб ўтган, мамлакатимиз делегацияси ҳам қатнашган БМТ Хотин-қизлар аҳволи бўйича комиссиясининг 63-сессиясида айтган бир фикрини келтирмоқчиман. **“Қаердаки сиёсий ва ижтимоий ҳаётда хотин-қизлар фаол иштирок этаётган бўлса, ўша жойда иқтисодий ўсмақда, барқарорлик мустаҳкамланмоқда ва фуқароларнинг фаровонлиги юксалмоқда”**, деб таъкидлади А.Гутерриш.

Бугунги кунда Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аёлларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида тўлақонли иштирок этишига эришиш, гендер тенглик ва репродуктив саломатлиқни таъминлаш бўйича олиб борилаётган давлат сийosatига жаҳон ҳамжамияти, жумладан, БМТ, Халқро меҳнат ташкилоти, ЮНИСЕФ, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти каби нуфузли халқро иқтисодлашган муассасалар томонидан юқори баҳо берилмоқда.

Барчамизни руҳлантириб, янги куч-қувват бағишлайдиган бундай ижобий ўзгаришларга, авваламбор, юртимизда хотин-қизларнинг жамият ҳаётида муносиб ўрин эгаллаши, уларнинг ижтимоий нуфузини янада юксалтиришга қаратилган салмоқли ишларимиз мустаҳкам пойдевор бўлаётганини таъкидлаш лозим.

Ўтган қисқа даврда бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2 та фармони, 2 та қарори, Ҳўкуматнинг 6 та қарори ва 4 та фармойиши қабул қилинди ва улар изчил амалга оширилмоқда. Албатта, сизлар буларнинг барчасидан яхши хабардорсиз. Шунинг учун мен бу масалага батафсил тўхталиб ўтирмоқчи эмасман.

Энг муҳими, бу устувор йўналиш бизнинг доимий эътибор марказимизда бўлиб келмоқда. Жумладан, хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ишга жойлаштириш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари учун зарур шароит яратиш, уларни уй-жой билан таъминлаш бўйича катта ишлар олиб боришмоқда.

Мисол учун, **“Ҳар бир оила — тадбиркор”** дастурини амалга ошириш доирасида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун тижорат банклари томонидан ўз бизнесини ташкил этмоқчи бўлган 12 минг 651 нафар аёлга 1 триллион 235 миллиард сўмдан ортқ қредитлар берилди. Шу билан бирга, Хотин-қизлар ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳисобидан кам таъминланган оилаларга мансуб 1 минг 949 нафар опа-сингилларимизга 42 миллиард сўм миқдоридан кредитлар ажратилди.

Кейинги пайтда юртимизда ижтимоий ҳимояға муҳтож аёлларни замонавий уй-жойлар билан таъминлаш бўйича янги тизим яратилди. Ана шу тизим асосида 1 минг 564 нафар хотин-қизлар нафақат уй-жойға, балки иш ўринларига ҳам эга бўлиб, уларнинг эртанги кунга ишончи мустаҳкамланиб бораётгани ғоят муҳимдир.

Ҳабарингиз бор, бугунги кунда **“Беш ижобий ташаббус”** доирасида бошланган ишларимиз тобора кенг тарқалмоқда, халқимиз бу ҳаракатни ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда. Хусусан, хотин-қизлар бандлигини оширишга доир бешинчи ташаббус бўйича 2019-2020 йилларда ҳар бир туманда тикув-трикотаж қорхоналарини қуриш ва аёллар учун қарийб 57 мингта янги иш ўринлари яратиш кўзда тутилмоқда. Бу лойиҳалар ўзининг дастлабки натижаларини бермоқда. Лекин уларнинг самарасини ошириш учун ҳали қўп иш қилишимиз керак.

Ҳурматли мажлис қатнашчилари! Эътиборингизни яна бир муҳим масалаға қаратмоқчиман. Аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги бўйича ўтказилган охириги ижтимоий сўровлар иштирокчиларининг 70,2 фоизи мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратилганини қайд этган. Ушбу сўровда қатнашган 81,5 фоиз респондентларнинг фикрича, аёлларнинг жамоат ёки сиёсий ташкилотларда ўз фаолиятини

амалга оширишда ҳеч бир шахс ва бирор-бир ҳолат уларға ҳалақит бермайди.

Шу ўринда мени онгимизда чуқур илдиз отган бир ақида қўп ўйлантиради. Биз доимо аёл — бу она, оиламиз бекаси, деб уларни улуғлаймиз. Бу тўғри, албатта. Аммо **ҳозирги кунда ҳар бир хотин-қиз демократик жараёнларнинг кузатувчиси эмас, балки фаол ва ташаббускор иштирокчиси бўлмоғи шарт.**

Афсуски, биз узоқ вақт бу масалаға етарлича эътибор бермасдан, ҳурматли опа-сингилларимизнинг дарду ташвишларига бепарво қараб келганимиз тўғрисида йиллар давомида тўпланиб қолган ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш бугун, очигини айтиш керак, осон бўлмапти. Лекин қанчалик қийин ва мураккаб бўлмасин, муқтарам опа-сингилларимиз учун муносиб иш ва турмуш шароитларини яратиш бериш бўйича биз бор куч ва имкониятларимизни тўла сафарбар этамиш. Чунки, тақдор айтмаган, **агар аёл, она бахтли бўлса, оила бахтли бўлади, оила бахтли бўлса, бутун жамият, давлат мустаҳкам ва барқарор бўлади.**

Сиёсий-иқтимоий ҳаётимизда ҳурматли аёлларимизнинг ўрни ва нуфузини янада мустаҳкамлаш мақсадида қуйидаги муҳим вазифаларни амалга оширишимиз зарур.

Биринчидан, бундан ўн йил олдин Сенат аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари таркибидан хотин-қизлар миқдори 20 фоиздан ортқ эди. Эндиликда бу кўрсаткич юқори палатада — 17 фоизга, қуйи палатада эса — 16 фоизга тушиб қолди. Бу нимадан далолат беради?

Жавоб аниқ: сиёсий партияларимиз ўз сафарига билимли, ташаббускор ва ташкилотчи аёлларни жалб этиш, уларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини оширишга етарлича эътибор бермапти. Ваҳоланки, БМТ маълумотларига кўра, парламентларда аёлларнинг вакиллиги бутун дунёда ўсиб бормоқда ва 2018 йилда бу кўрсаткич 24,3 фоизни ташкил этган.

Сизларга яхши маълумки, жаҳондаги демократик тажрибадан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимиз сайлов қонунчилигида парламент ва маҳаллий кенгашларга бўладиган сайловларда хотин-қизлар орасидан кўрсатиладиган номзодлар бўйича 30 фоизлик квота белгиланган.

Юртимизда ўзининг ақл-заковати, чуқур билими, катта ҳаётини тажрибаси, фидокорона меҳнати, инсоний фазилатлари билан ҳаммага ўрناк ва намуна бўлиб келаётган опа-сингилларимиз қўллаб-топилади. Бу йил Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларға бўлиб ўтадиган сайловларда ана шундай сиёсий савиясини етук, меҳнаткаш ва оқила аёлларимиз ўз салоҳиятини намоян этиб, депутат ва сенатор бўлиб сайлансалар, мен ишонаман, бундан давлатимиз ҳам, жамиятимиз ҳам фақат катта наф қўради.

Парламентга ва маҳаллий Кенгашларға сайланадиган аёллар сонининг ўсиши қонун ижодкорлиги жараёнида хотин-қизларнинг манфаатлари ва фикрларини ҳисобга олиш имкониятини беради. Шунингдек, давлат бюджетни шаклланишида гендер тенглиги масалаларини инобатга олиш мумкин бўлади.

Иккинчидан, Олий Мажлис тизимида хотин-қизлар масалалари билан бевосита шуғулланадиган бирор-бир қўмита мавжуд эмас.

Тўғри, 2017 йили Қонунчилик палатасининг Оила ва аёллар масалалари бўйича комиссияси тузилган эди. Бу тузилма негадир ишламади, унинг Низомида белгиланган вазифалар қозғода қолиб кетди. Оқибатда бугунги кунда оилани мустаҳкамлаш, оналик ва болалиқни муҳофиза қилиш, аёлларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга, уларнинг жамиятдаги мавқеини оширишга қаратилган муайян бир тузилма Қонунчилик палатасида ҳам, Сенатда ҳам йўқ.

Учинчидан, ўтган икки йилда халқро андозалар талаблари доирасида аёллар аҳолини тубдан яхшилашга доир 15 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат имзоланган ва ижроға қаратилган. Аммо қонун ижодкорлари ўзларининг бу борадаги асосий вазифаси билан шуғулланиш ўрниға, ҳали ҳам “ухлаб” ўтирибди.

Фаоллик ва ташаббускорлиқни ошириш зарур. Яқин вақт ичида иккита янги қонун, яъни **“Эркаклар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлари ва имкониятлари қаролатилган тўғрисида”** ҳамда **“Аёлларни таълим ва зўравонликлардан ҳимоя қилиш тўғрисида”**ги қонунларни қабул қилишимиз керак.

Тўртинчидан, мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари жадал ривожланмоқда. Лекин 9 мингдан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотдан фақатгина 376 та аёллар муаммолари билан шуғулланади. Бу етарли эмас, албатта.

Ижтимоий шароити оғир аёлларни қўллаб-қувватлаш, хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни иш билан таъминлаш масалаларида бу ташкилотларнинг иштироки етарли даражада сезилмапти. Улар фақат номиға йиғилиш ва тадбирлар ўтказиш билан машғул бўлиб қолмоқда.

Бу борадаги аҳолини тубдан яхшилаш учун Сенат фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидаги масалаларға қаратилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Аввало, оилани мустаҳкамлаш, оналик ва болалиқни муҳофиза қилиш, аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва маданий ҳаётда аёлларнинг иштирокини кенгайтириш бўйича қонун ижодкорлиги ва парламент назоратини қучайтириш лозим. Бунинг учун қандай янги қонунлар қабул қилиш,

қайси қонунларни ўзгартириш кераклиги ҳақида фуқароларимиз, сайловчилар сиз, ҳурматли сенаторларимиздан аниқ тақлиф ва тавсия кутмоқдалар.

Яна бир муҳим масала — аёлларни иш билан таъминлаш, хотин-қизларнинг замонавий касб-ҳўнарларни пухта эгаллаши учун шароит яратиш, уларнинг ишбилармонлик қўниқмаларини ривожлантириш, хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб этишдан иборат.

Навбатдаги долзарб вазифа — аёллар соғлиғини мустаҳкамлаш, оилаларнинг тиббий маданиятини оширишда қўмаклашиш, жойларда, хусусан, маҳаллаларда, хотин-қизлар ўртасида олиб борилаётган маърифий-тарбиявий ишлар самарадорлигини қучайтириш билан боғлиқ. Бу борада, айниқса, қиз болаларни ҳаётға тайёрлаш, уларни замонавий билим ва касб-ҳўнарларға ўргатиш, илм-фан, маданият ва санъат, спорт соҳаларига кенг жалб этиш орқали уларнинг қобилияти ва салоҳиятини рўёбға чиқариш муҳим аҳамиятга эга эканини, ўйлабманки, барчамиз яхши тушунамиз.

Шулар қаторида бизнинг меҳр-оқибатли, оққўнли аёлларимизға мутлақо ярашмайдиган салбий иллатлар, яъни, хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар, жумладан, жиноятчилик, одам савдоси, оилавий ажримлар, эрта никоҳларнинг, ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг олдини олиш доимий эътиборимиз марказида бўлиши зарур. Бу борада хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш бўйича мамлакатимиз ўз зиммасига олган халқро мажбуриятларни бажариш ҳам устувор вазифа ҳисобланади.

Кейинги пайтда тўғри йўлдан адашганларни кечириб ва соғлом ҳаётға қайтариш, оила, маҳалла ва жамиятда тинчлик ва тотувлик муҳитини мустаҳкамлаш борасида бошлаган ишларимизни изчил давом эттиришимиз лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирманчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

Давоми.
Бoshлангич 1-бетда

Юкори палата аъзолари номзод тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Танзила Норбоева билими, тажрибаси, ватанпарварлиги, жамиятдаги обрў-эътибори, инсоний фазилатлари билан ушбу лавозимга муносиблиги, Сенат фаолиятини бугунги кун талаблари асосида такомиллаштириш бўйича Президент нутқида баён этилган устувор вазифаларни амалга оширишга қодир эканини таъкидладилар.

Сенаторлар томонидан яширин овоз бериш йўли билан Сенат Раиси лавозимига Танзила Норбоева сайланди.

Танафусдан сўнг сенаторлар ўз ишини давом эттирдилар ва "Туризм тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини қўриб чиқдилар.

Хўжат туристик фаолиятни давлат томонидан тартибга солишнинг ҳуқуқий ва институционал базасини шакллантириш, миллий туристик маҳсулотни ички ва хажон бозорларида танитишга қўмаклашиш, саёҳат индустриясини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида ишлаб чиқилган таъкидланди.

Қонунда мазкур соҳадаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб берилди. Туризм соҳасига инвестицияларни жалб қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, давлат-хусусий шериклини ривожлантириш, солиқ ва боғжона имтиёзларини белгилаш, янги иш ўринлари ташкил этиш, инновацион ва ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилишини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, туристик зоналар ва туристик кластерларнинг ривожлантирилишини рағбатлантириш каби йўналишлар шулар жумласидандир.

Бу соҳада Вазирлар Маҳкамаси ваколатларида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш, давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва уни рўйбга чиқаришни мувофиқлаштириш, туристик зоналар, туристик кластерларни ташкил этиш ва уларда туризм соҳаси субъектлари фаолиятини амалга ошириш тартибини белгилаш, хизматларни сертифициклаштириш, туристлар ва экскурсантларни сугурта қилиш, уларга тиббий, ҳуқуқий ҳамда бошқа турдаги ёрдам кўрсатиш тартибини белгилаш, бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилаш, туризм соҳасига инвестицияларни жалб қилиш ва туризмин ривожлантириш лойиҳаларини амалга ошириш бўйича идораларо ҳамкорлиқни мувофиқлаштириш, меҳмонхона хизматларини, туроператорлар ва турагентлар хизматларини кўрсатиш қоидаларини тасдиқлаш каби вазифалар кирди.

Қонун нормаларида туризм соҳаси субъектларининг ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний мафзаатларини ҳамда хавфсизлигини ҳимоя қилиш устуворлиги, туризмин барқарор ривожлантириш ва бунинг учун қулай шарт-шароитлар яратиш, туризм соҳасида тадбиркорлиқни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рақобатни ривожлантириш, туризм соҳасида ошқоралик ва очилиқ каби асосий принциплар белгиланмоқда.

Бундан ташқари, Қонунда халқаро ва ички туризм шакллари, шунингдек, маданий-тарихий, зиёрат, экологик, маърифий, этнографик, гастрономик, шифобиланмонлик, ижтимоий, спорт, тиббий, ёшлар туризми, агротуризм каби саёҳат турлари мустахкамланмоқда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг туризм соҳаси тадбирларидаги иштироки механизмлари белгиланмоқда, улар туризмин ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этиш, жамоатчилик назорати, бу соҳада тақлифлар киритиш, давлат органлари ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишдан иборат.

Ушбу хўжат мамлакат иқтисодиётининг стратегик тармоғи сифатида туризмин ривожлантиришга, пировардида, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини оширишга қўмаклашиши қайд этилди. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг сенаторлар "Шахсга доир маълумотлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини қўриб чиқдилар. Таъкидланганидек, бугунги кунда шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилиш долзарб масаладир ва бу нафақат интернет технологиялари-

нинг шиддат билан ривожланиши ва умуман глобаллашув, балки фуқароларнинг шахсий ҳаётига доир ҳуқуқини ҳимоя қилиш зарурати билан боғлиқ. Қонун шахсга доир маълумотларга ишлов бериш ва уларни ҳимоя қилиш чоғида қўлланиладиган воситаларидан, шу жумладан, ахборот технологияларидан қатъи назар, юзага келадиган муносабатларга нисбатан татбиқ этилади.

Инсон ва фуқаронинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этиш, шахсга доир маълумотларга ишлов бериш мақсадлари ва усулларининг қонунийлиги, шахсга доир маълумотларнинг аниқлиги ва ишончлиги, шахсга доир маълумотларнинг махфийлиги ва ҳимоя қилинганлиги, субъектлар, мулкдорлар ва операторлар ҳуқуқларининг тенглиги, шахс, жамият ҳамда давлатнинг хавфсизлиги асосий принциплар сифатида мустахкамланган.

Бундан ташқари, Қонунда давлат органларининг бу соҳадаги ваколатлари белгиланмоқда. Хусусан, Вазирлар Маҳкамаси давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди, давлат дастурларини тасдиқлайди, Шахсга доир маълумотлар базаларининг давлат реестрини юритиш ва давлат реестрида рўйхатдан ўтказиш тартибини белгилайди, тегишли органларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради, шахсга доир маълумотларга ишлов берилаётганда ушбу маълумотларнинг ҳимоя қилинганлиги даражасини, улар ҳимоясини таъминлайдиган талабларни, биометрик ва генетик маълумотлар мавжуд бўлган моддий жисмларга ҳамда бундай маълумотларни шахсга доир маълумотлардан ташқарида сақлаш технологияларига оид талабларни белгилайди.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази давлат дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади, шахсга доир маълумотларга ишлов беришнинг ҳамда мулкдорнинг ва операторнинг шахсга доир маълумотларга ишлов берилишини ҳамда уларнинг ҳимоя қилинишини таъминловчи таркибий бўлинмаси ёки ваколатли вакили фаолиятини ташкил этишнинг намунавий тартибини тасдиқлайди, шахсга доир маълумотлар базаларининг давлат реестрини юритади, шахсга доир маълумотлар базасининг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома беради, давлат назоратини амалга оширади, норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш юзасидан тақлифлар киритади, шахсга доир маълумотларнинг зарур ҳимоя қилинганлиги даражасини белгилайди, ишлов бериладиган шахсга доир маълумотларнинг ҳажми ва мазмунини, фаолият турини, шахсга доир маълумотлар хавфсизлигига бўлган таҳдидларнинг ҳақиқийлигини таҳлил қилади, қонун ҳужжатларининг бузилишларини бартараф қилиш ҳақида кўрсатмалар киритади.

Шу билан бирга, Қонунда шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилиш механизмлари мустахкамланмоқда, у шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилиш бўйича ҳуқуқий, ташкилий ва техник чоралар қўришни назарда тутади. Бу субъектнинг ўз шахсий ҳаётига аралашувдан ҳимоя қилиниш ҳуқуқини амалга оширилишини, шахсга доир маълумотларнинг яхлитлигини ва бут сақланишини, шахсга доир маълумотларнинг махфийлигига риоя этилишини, шахсга доир маълумотларга қонунга хилоф равишда ишлов берилишининг олди олинишини таъминлайди. Қонунда бундай маълумотларнинг махфийлиги, уларнинг ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган манбаларига кириштириш учун субъектнинг ёзма розилигини олиш, шунингдек, субъектнинг шахсга доир маълумотларини ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган манбалардан унинг мурожаатига қўра чиқариб ташлаш таъминланмоқда. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Парламент аъзолари "Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини муҳокама қилдилар. Қонунда Ҳисоб палатасининг давлат ташқи аудити ва молиявий назоратининг олий органи сифатида ҳуқуқий мақоми мустахкамланмоқда.

Давлат бюджетни лойиҳаси параметрларини шакллантиришни тизимли таҳлил қилиш, қабул қилинаётган давлат дастурларининг ва ҳудудий дастурларнинг молиялаштириш манбалари билан таъминланганлиги аудитини амалга ошириш, шунингдек, бюд-

жет маблағлари тушумларининг тўлиқлигини ўрганиш ҳамда назорат қилиш, Давлат бюджети даромадларини қўпайтириш захираларини аниқлаш ва сафарбар қилиш, амалга оширилаётган бюджет харажатлари самарадорлиги ҳамда қонунийлигини аудитдан ўтказиш, бу харажатларни қамайтириш имкониятларини аниқлаш Ҳисоб палатасининг асосий вазифалари ҳисобланади.

Бундан ташқари, Ҳисоб палатаси бюджет маблағлари ва давлат томонидан маблағ жалб қилиш ҳисобидан амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларини баҳолайди, солиқ, боғжона ва бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга, бюджетни режалаштиришнинг замонавий усулларини жорий этишга доир тақлифлар киритади, республика бюджетини ҳамда маҳаллий бюджетлар ўртасидаги нисбатнинг мақбуллигини баҳолайди, Президент ҳужжатлари ва топшириқлари ижросини назорат қилади, пул-кредит ва валюта сиёсатини, мамлакат активлари ҳамда мажбуриятлари ҳолатини, олтин-валюта захираларининг бошқарилишини, шунингдек, қимматбаҳо металллар ва тошлар билан амалга оширилаётган операцияларни ташқи аудитдан ўтказиш.

Ҳисоб палатаси фаолиятининг асосий принциплари қонунийлик, мустақиллик, ҳолислик, очилиқ ва шаффоқликдан иборатдир. Бундан ташқари, Қонун нормаларида Ҳисоб палатасининг давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлиги механизмлари белгиланмоқда, шунингдек, унинг фаолиятини ташкил этиш, мансабдор шахсларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари, шу жумладан, Ҳисоб палатаси ходимларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш қафолатлари, Ҳисоб палатаси мансабдор шахсларини моддий ва ижтимоий таъминлаш, Ҳисоб палатасини молиявий ва моддий-техник таъминлаш масалалари тартибга солинмоқда. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра парламент аъзолари "Қурул тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини қўриб чиқдилар. Хўжат давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар қонуний асосда эгаллик қилаётган ва фойдаланаётган қурул муомаласини тартибга солиш мақсадида ишлаб чиқилганлиги қайд этилди. Хўжатда қонунийлик, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигини ҳимоя қилиш ҳамда сақлаш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш устуворлиги, халқаро мажбуриятларнинг виждонан бажарилиши, ахборотнинг ошқоралиги ҳамда ундан фойдалана олиш каби қурул муомаласининг асосий принциплари белгиланмоқда.

Қонунда қурул турлари таснифланмоқда ва у фуқаровий қурул, хизмат қурули ҳамда жанговар қурулдан иборат. Фуқаровий қурул ов қурули, спорт қурули ва ўзини ўзи ҳимоя қилиш қурулига бўлинади. Фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигини, мол-мулкни ҳимоя қилишга, табиатни, қимматбаҳо ва хавфли юкларни, махсус хат-хабарларни муҳофаза қилишга доир вазифаларни бажариш чоғида юридик шахсларнинг ходимлари томонидан, шунингдек, мансабдор шахслар томонидан шахсий хавфсизлиқни таъминлаш мақсадида фойдаланиш учун мўлжалланган қурул хизмат қурули жумласига кирди. Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати ва бошқа тузилмалар томонидан қўлланиладиган, жанговар харажатларни олиб бориш ҳамда хизмат вазифаларини бажариш учун мўлжалланган қурул жанговар қурул ҳисобланади.

Шунингдек, Қонунда қурулни ва унинг ўқ-дориларини олиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар рўйхати белгиланган. Махсус органлар ва ҳарбий тузилмалар, махсус хизмат вазифаларига эга бўлган, қурул ишлаб чиқариш ва уни реализация қилиш, овчилик ва отиш спорти соҳасидаги фаолият билан шуғулланидиган юридик шахслар, қурулни коллекциялаш ёки кўргазмага қўйиш билан шуғулланадиган юридик ва жисмоний шахслар, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари, фуқаролар бўлмаган шахслар ана шу рўйхатга кирди.

Шундан кейин "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ҳамда ўзгаришлар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини муҳокама этилди. Қайд этилишича, Жи-

ноят кодексига ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жиноий ва маъмурий жавобгарлик жорий этишни назарда тутувчи ўзгартишлар киритилмоқда.

Бундан ташқари, Жиноят кодексига ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга меҳнат қилиш ҳуқуқини, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузганлик учун жиноий жавобгарликни қучайтиришни назарда тутувчи ўзгартишлар киритилмоқда. Меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини, воёга етмаганлар меҳнатидан фойдаланиш мумкин эмаслиги тўғрисидаги талабларни бекитилганлик учун ҳам маъмурий жавобгарликни бажармаганлик, вақтинчалик ишга лаёқатсизлик, ҳомилдорлик ва туғиш бўйича нафақалар тўлаш мажбуриятидан бўйин товлаганлик учун маъмурий жавобгарликни қучайтириш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасига чет элдан иш қучини жалб қилиш ва ундан фойдаланиш тартибини бузганлик учун ҳам маъмурий жавобгарлик қучайтирилди. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра парламент юқори палатаси аъзолари "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини қўриб чиқдилар. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини тўдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2017 йил 1 майдиги ПҚ-2940-сонли қарорининг 10-бандига мувофиқ Амалга оширилиш учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхатига ов ва спортга мўлжалланган ўқотар қурулни ҳамда унинг ўқ-дориларини, шунингдек, совуқ қурулни (пичоқларнинг миллий турларидан ташқари) ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва реализация қилиш ўрнига фуқаровий ва хизмат қурули ҳамда унинг ўқ-дориларини ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва реализация қилишдан иборат янги фаолият тури киритилмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2019 йил 12 мартдаги қарорининг 11-бандига мувофиқ "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги ҳамда "Медияция тўғрисида"ги қонунларга суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш жараёнида медиация институтини жорий этилишини назарда тутувчи ўзгартишлар киритилмоқда. Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш жараёнида медиация тартиб-таомилларини ундирувчининг аризаси бўйича 15 кундан кўп бўлмаган муддатга ижро ишини қириштириш тўхтатиб туриш учун асос ҳисобланади. Ундирувчи ва қарздор ўртасида ижро предмети юзасидан битимга эришилмаганда, шунингдек, томонлардан бири медиацияни давом эттиришдан воз кечганда ёки уни амалга ошириш муддати тугаганда ижро ишини юритиш давлат ижросисини томонидан қайтадан бошланади.

Мутахассис давлат ижросисини қарори билан танишган кундан бошлаб 15 иш кунини ичига ёзма ҳулоса тақдим этиши шартлигини назарда тутувчи ўзгартишлар ҳам киритилмоқда. Киритилаётган ўзгартишга қўра ижро ҳужжатларида ундирувчининг ёки қарздорнинг электрон почтаси ёки мобиль телефонининг рақами (агар улар судга ёки ижро ҳужжатини берган бошқа органга (мансабдор шахсга) тақдим этилган бўлса) мавжуд бўлган тақдирда, ижро ишини юритишни қўзғатиш тўғрисидаги хабарнома унинг унатирилганлиги ва қабул қилиниб олинганлиги фактларини қайд этиш имконини берувчи махсус автоматлаштирилган тизимдан фойдаланган ҳолда электрон почтага ёхуд мобиль алоқа воситалари орқали қисқа хабар (SMS)

тарзида юборилади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра парламент аъзолари "Халқаро меҳнат ташкилотининг 1930 йилдаги Мажбурий меҳнат тўғрисидаги 29-сонли Конвенциясига Баённомани (Женева, 2014 йил 11 июнь) ратификация қилиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини қўриб чиқдилар. Қонун билан Халқаро меҳнат ташкилотининг 1930 йилдаги Мажбурий меҳнат тўғрисидаги 29-сонли Конвенциясига Баённомани (бундан буён матнда Баённома деб юритилади) ратификация қилиш назарда тутилмоқда. Унга қўра ХМТнинг ҳар бир аъзоси Конвенциядан келиб чиқадиган ўз мажбуриятларини ижро этиш мақсадида мажбурий меҳнат хавфининг олдини олишга, мажбурий меҳнат хавфини оширадиган омилларни аниқлашга, иш берувчилар мажбурий меҳнат амалиётида иштирок этишининг олдини олиш учун уларни ўқитиш ва хабардор қилишга қаратилган фаол саъй-харажатлар олиб боради.

Баённомани 30 та давлат, шу жумладан, Буюк Британия, Норвегия, Финляндия, Франция, Чехия, Испания, Нидерландия, Исроил, Россия ратификация қилганлиги қайд этилди. Баённоманинг мажбурий меҳнатни таққиллаш тўғрисидаги қоидалари Конституцияда (37-модда), Меҳнат кодексига (7-модда), Жиноят кодексига, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга, бир қатор қонунлар ва Ҳукумат қарорларида акс этганлиги таъкидланди.

Парламент аъзоларининг фикрича, ушбу Баённоманинг ратификация қилиниши мажбурий меҳнатнинг олдини олиш, бунга мажбур қилинганларни ҳимоя қилиш ва ҳимоя воситаларидан фойдаланишни таъминлаш бўйича янги мажбуриятларни белгилаш ҳамда халқаро-ҳуқуқий базани мустахкамлаш, шунингдек, ХМТ билан муносабатларда Ўзбекистоннинг ижобий имижини шакллантириш, мажбурий меҳнатга дучор қилинганлар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганган ҳолда халқаро ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ташкилотлар билан амалий ҳамкорлиқни ривожлантириш имконини беради. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан кейин сенаторлар томонидан Навоий вилоятининг Навоий шаҳри ва Кармана тумани чегараларини ўзгартириш тўғрисидаги масала қўриб чиқилди.

Бу масала биринчи навбатда ҳудудларнинг ижтимоий инфратузилмасини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди. Жумладан, Кармана туманидан ажратилаётган ҳудудда қарийб 7 минг киши истиқомат қилади.

Навоий шаҳри ҳудудининг чекланганлиги зарур ҳажмда қурилиш лойиҳаларини амалга ошириш имконини бермайдди. Шу сабабли қўп қаватли уйлар, спорт иншоотлари ва ижтимоий объектлар майдони 144 гектардан ортиқ Кармана тумани ҳудудининг бир қисмида қурилмоқда. Бироқ бу шаҳар коммуникацияларига уланиш имкониятини қийинлаштирмоқда. Шу муносабат билан Кармана тумани Варқ ва Ёшлик маҳаллаларининг 1097,58 гектар ерини Навоий шаҳри таркибига ўтказиш назарда тутилмоқда. Масала сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра парламентнинг юқори палатаси аъзолари Сирдарё вилояти ҳокимининг ҳудудларни ривожлантириш ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини эшитдилар.

Ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) ҳажми 2018 йилда 8,2 триллион сўмини, 2017 йилга нисбатан ўсиш суръати 102,1 фоизни ташкил этганлиги қайд этилди. 2019 йилнинг биринчи чорагида ЯҲМ 1,8 триллион сўмини, ўтган йилнинг ўша даврига нисбатан ўсиш суръати эса 102,6 фоизга етди. Саноят маҳсулотларини чиқариш ҳажми 1673,4 миллиард сўмини ташкил этди ва ўша даврга нисбатан 100,5 фоизга ўсди. Вилоятнинг асосий капитални қўпайтириш учун 519,8 миллиард сўмлик инвестициялар киритилди. Иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматлар ҳажми 543,2 миллиард сўмини, 2018 йилга нисбатан ўсиш 118,5 фоизни ташкил этди.

Ҳисоботни эшитишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 февраль кунини Сирдарё вилоятига ташрифи чоғида берган топши-

риқлари ижросига, жумладан, виллоятнинг Ховос туман марказини комплекс ривожлантириш чора-тадбирларига асосий урғу берилди. Ҳозирги вақтда Ховос шаҳарчаси марказини қуриш ишлари амалга оширилаётганлиги қайд этилди. Жумладан, 240 та квартирага мўлжалланган арзон нархларда 10 та беш қаватли уй қуриш ишлари юқори суръатлар билан олиб бориламоқда. Бундан ташқари, 100 та уй қуриш учун ер майдонлари ажратилди, қурилиш ишлари бошланди.

Шу билан бирга, Сирдарё вилоятида ҳудудларни ривожлантиришга ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши иши самарадорлигини оширишга салбий таъсир кўрсатадиган муаммо ва камчиликлар мавжуд. Айрим вазирликлар ва идораларда мавжуд муаммоларни ҳал қилишга комплекс ёндашилмаслиги туфайли бу масалалар долзарблигини йўқотмаяпти. Жумладан, электр билан таъминловчи корхоналар диспетчерлик пунктларининг махсус техника билан таъминланганлик даражаси 40-45 фоизни ташкил этиши, бу эса тегишли хизматлар сифатини таъминлаш учун етарли эмаслиги қайд этилди.

Муҳокама чоғида виллоят аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Ҳудуд бўйича бу кўрсаткич атиги 65,6 фоизни ташкил этиши таъкидланди. Аслида бу кўрсаткични шу йилнинг ўзида 86,1 фоизга ошириш имконияти мавжуд. Бунинг учун барча режалаштирилган ишлар аниқ ва сифатли бажарилиши керак. Муҳокама ақуларини бўйича Сенатнинг тегишли қарорини қабул қилинди.

Шундан кейин ялпи мажлис иштирокчилари истиқболли туризм йўналишида Ўзбекистон халқаро имижини ошириш чоралари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига парламент сўрови юбориш тўғрисидаги масалани қўриб чиқдилар.

Мамлакатимизга саёҳат қилишни хоҳловчилар оқимини оширишда жаҳон ҳамжамиятини мамлакатимизда меҳмонлар учун яратилаётган шарт-шароитлар ва имкониятлардан тўғри хабардор қилиш муҳим аҳамият касб этиши қайд этилди. Бироқ ҳоржиқ мамлакатлар ташқи сиёсий идораларининг расмий тавсияларида Ўзбекистон ҳақида ноҳолис ва эскирган маълумотлар берилаётганлиги туфайли бу соҳада ижобий ўзгаришлар сезилмаяпти. Шу муносабат билан тегишли парламент сўровини юбориш зарурати юзага келди. Масала сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шунингдек, парламент аъзолари Ички ишлар вазирлиги академик лицейларида қонун ҳужжатлари ижроси ҳолати тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига парламент сўрови юбориш ҳақидаги масалани ҳам қўриб чиқдилар. Масала сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра сенаторлар фуқароларнинг кўчмас мулк объектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, мулк ҳуқуқини расмийлаштириш ва уларни солиққа тортишга оид қонун ҳужжатлари ижроси ҳолати ва бу соҳадаги ҳуқуқни қўллаш амалиёти тўғрисида, қишлоқ ҳўжалигида меҳнатга оид муносабатларни тартибга солиш ҳамда мазкур соҳадаги норасмий бандлик масалалари юзасидан, мамлакатда имконияти чекланган ёшларнинг таълим олиш учун яратилган шарт-шароитлар ҳақида, умумтаълим мақолаблари дарсликларининг давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқлиги тўғрисида аввал юборилган парламент сўровлари натижаларини қўриб чиқдилар.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан Сенатнинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Олий Мажлис Сенатининг йигирманчи ялпи мажлисида 18 та масала, шу жумладан, 7 та қонун қўриб чиқилди.

Сенаторлар томонидан маъқулланган Ўзбекистон Республикаси қонунлари жамиятнинг барча соҳаларида ҳуқуқий асосларнинг янада мустахкамланишини ва ислохотлар ҳамда ўзгаришларнинг изчил амалга оширилишини таъминлашга қаратилганлиги таъкидланди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирманчи ялпи мажлиси ўз ишини якунлади.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
Ахборот хизмати

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ**КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА БОШҚАРИШНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Янги рақобатбардош ишлаб чиқаришлар ва кичик корхоналарнинг ривожлантирилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича узлуksиз равишда амалга оширилаётган чора-тадбирлар доирасида 150 та кичик саноат зонаси ташкил қилинган бўлиб, уларнинг ҳудудида ҳар йили жами 1,7 триллион сўмдан ортиқ қийматдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмига эга бўлган 1 691 та кичик корхона фаолият юритади ва 27 мингдан зиёд иш ўринлари яратилди.

Кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш, уларнинг иштирокчилари учун фаолият юритиш шароитларини сифат жиҳатидан яхшилаш ва маҳсулотларни сотишга қўмаклашиш, инвестициялар жалб қилинишини фаоллаштириш, аваламбор, фойдаланилмаётган, фаолият юритмаётган ишлаб чиқариш майдонлари негизда ташкил қилинаётган импортбоп маҳсулотларни чиқариш бўйича замонавий ишлаб чиқаришларнинг жорий этилишини жадаллаштириш, ушбу асосда янги турғун иш жойлари ташкил этилишини таъминлаш ва аҳоли даромадини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда Давлат активларини бошқариш агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида давлат муассасаси шаклидаги **кичик саноат зоналарини бошқариш бўйича ягона дирекцияларни** (кейинги ўринларда — дирекциялар) ҳар бир кичик саноат зонасида дирекцияларнинг масъул ходимларини бириктирган ҳолда ташкил этиш тўғрисидаги таклифга розилик берилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бир ой муддатда янги ташкил қилинаётган дирекцияларнинг рўйхатдан ўтказилишини таъминласин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 январдаги "Иқтисодий ривожланиш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5621-сон Фармони билан кичик саноат зоналари иштирокчиларига қуйидаги ҳуқуқлар берилганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

ўз маблағлари ҳисобига қурилган бинолар ва иншоотлар (ёки уларнинг қисмлари)га мулк ҳуқуқини белгиланган тартибда расмийлаштириш; реконструкция қилиш ёки капитал таъмирлашни ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширган тақдирда, бироқ кичик саноат зонаси иштирокчиси мақомини олган кундан бошлаб камида 3 йил муддат ўтгандан кейин, бинолар ва иншоотлар (ёки уларнинг қисмлари)ни хусусийлаштириш; инвестиция ва бошқа ижтимоий мажбуриятларни тўлиқ бажарган тақдирда, бироқ кичик саноат зонаси иштирокчиси мақомини олган кундан бошлаб камида 5 йил муддат ўтгандан кейин, ўзларига берилган бинолар ва иншоотлар (ёки уларнинг қисмлари)ни хусусийлаштириш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

а) кичик саноат зоналари фақатгина транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси мавжуд ёки ўтказиш осон бўлган фаолият юритмаётган корхоналар негизда ва қўшқоқ ҳўжалигига мўлжалланмаган бўш ер майдонларида ташкил қилинади;

б) ер участкаларини бериш, кичик саноат зоналари ҳудудида амалга ошириш учун инвестиция лойиҳаларини танлаш ва жойлаштириш тўғрисидаги қарорлар туман (шаҳар) ҳокимининг ер участкасини бериш тўғрисидаги алоҳида қарорини қабул қилмаган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарининг маъмурий кенгашлари (кейинги ўринларда — маъмурий кенгашлар) баённомалари шаклида расмийлаштирилади;

в) кичик саноат зонаси иштирокчиси томонидан инвестиция лойиҳасини кичик саноат зонасида жойлаштирилган кундан эътиборан уч ой мобайнида амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар қўрилмаганлиги, шунингдек, объектдан шартномада кўрсатилган мақсадга номувофиқ фойдаланилганлиги шартноманинг бир томонлама тартибда бекор қилинишига асос бўлади;

г) кичик саноат зонаси иштирокчиси томонидан инвестиция лойиҳасини амалга ошириш объектив сабабларга кўра шартномада кўрсатилган муддатларда якунланмаган бўлса ёки охириги 6 ой мобайнида ишлаб чиқариш фаолияти амалга оширилмаган бўлса, маъмурий кенгаш унга лойиҳа

амалга оширилишини тезлаштириш бўйича "йўл харитаси"ни тасдиқлаган ҳолда қўшимча муддат тақдим этилиши ёхуд шартнома бекор қилиниши тўғрисидаги масалани қўриб чиқиши мумкин;

д) бинолар ва иншоотлар (ёки уларнинг қисмлари)ни хусусийлаштириш куйидаги тартибда амалга оширилади:

ўз маблағлари ҳисобига реконструкция қилиш ёки капитал таъмирлаш ишлари олиб борилган бинолар ва иншоотлар (ёки уларнинг қисмлари)да, бироқ кичик саноат зонаси иштирокчиси мақомини олган кундан бошлаб камида 3 йил муддат ўтгандан кейин — реконструкция қилиш ёки капитал таъмирлаш ишларининг харажатлари чегириб ташланган ҳолда белгиланган тартибда аниқланадиган баҳолаш қиймати бўйича;

инвестиция ва бошқа ижтимоий мажбуриятларни тўлиқ бажарган тақдирда (иштирокчининг шахсий маблағлари ҳисобига реконструкция қилиш ёки капитал таъмирлаш ишлари олиб бормаган ҳолда), бироқ кичик саноат зонаси иштирокчиси мақомини олган кундан бошлаб камида 5 йил муддат ўтгандан кейин — беш йил мобайнида тенг улушларда тўловларни киритиш ҳуқуқи берилган ҳолда белгиланган тартибда аниқланадиган баҳолаш қиймати бўйича.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги:

а) маъмурий кенгашлар ва дирекциялар билан биргаликда уч ой муддатда:

республиканинг барча ҳудудларида кичик саноат зоналарини инвентаризация қилиш ва уларнинг фаолиятини ўрганиш ҳамда натижаси бўйича уларнинг ҳар бири кейинчалик фаолият юритиши мақсадга мувофиқлиги ҳақида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритилишини;

кичик саноат зоналари иштирокчилари билан тузилган бинолар ва иншоотларнинг ижараси тўғрисидаги шартномаларни, зарур ҳолларда, белгиланган тартибда фойдаланилмаётган ва мақсадга номувофиқ фойдаланилаётган бинолар ва иншоотларни қайтариш чора-тадбирларини кўрган ҳолда ёки қўшимча лойиҳаларни жойлаштириш ҳисобига улардан оқилона фойдаланиш бўйича "йўл хариталари"ни ишлаб чиққан ҳолда қайта қўриб чиқишини;

белгиланган муддатларда инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши бошланишини таъминламаган кичик саноат зоналари иштирокчилари билан инвестициялаш тўғрисидаги битимларнинг бекор қилинишини; ишлаб чиқаришнинг қисқа муддатларда фойдаланишга топширилишини кўзда тутиган ҳолда қўлаётган лойиҳалар бўйича тармоқ жадалларининг ишлаб чиқишини таъминласин;

б) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда икки ҳафта муддатда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш орқада қўлаётган туманлар ва шаҳарларда ҳудуднинг салоҳияти, рақобатдаги устувор йўналишлари, табиий ва меҳнат ресурсларидан келиб чиқиб, уларнинг ихтисослашуви белгиланган ҳолда янги кичик саноат зоналарини ташкил қилиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

в) Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда уч ой муддатда янги ташкил қилинаётган кичик саноат зоналари ҳудудларида талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини йўлга қўйиш учун зарур шарт-шароитлар яратилишини назарда тутиган ҳолда ҳудудлар кесимида транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш бўйича "йўл харитаси"ни тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

г) оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, электрон ва интернет нашрларини жалб қилган ҳолда мамлакатнинг кичик саноат зоналари, инвестиция киритишнинг афзалликлари ва яратилаётган имтиёзли шароитлар, кичик саноат зоналари ҳудудларидаги мавжуд бўлган инфратузилма, таклиф қилинаётган хизматлар, шунингдек, амалга оширилиши тавсия этилаётган инвестиция лойиҳалари тўғрисидаги батафсил маълумотларнинг доимий асосда нашр этилишини ташкил этсин.

5. Белгилаб қўйилсинки: маъмурий кенгашлар қотибининг кичик саноат зоналари фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштиришга оид функциялари Қорақалпоғистон

Республикаси иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва саноат бош бошқармалари бошлиқлари зиммасига юклатилади;

дирекциялар директорларини лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод этиш маъмурий кенгашлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан келишилган ҳолда амалга оширилади; кичик саноат зоналарининг архитектура-режалаштириш ҳужжатларини ишлаб чиқиш, шу жумладан, ер участкаларини танлаш ва ажратиш бўйича материалларни тайёрлаш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан Қорақалпоғистон Республикасининг бюджет жамғирида виллоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари маблағлари ҳисобига лойиҳа ташкилотларини жалб қилган ҳолда таъминланади; дирекциялар кичик саноат зоналари ҳудудларининг архитектура-режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича буюртмачилар бўлиб қатнашишга ҳақли.

6. Кичик саноат зоналари дирекциялари 2022 йил 1 июлга қадар ер солиғи ва мол-мулк солиғи тўлашдан озод этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда кичик саноат зоналари ҳудудларида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларини мониторинг қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда Қорақалпоғистон Республикаси бюджет, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг тегишли маҳаллий бюджетлари маблағлари ҳисобига кичик саноат зоналарининг бўлиниш чегарасига зарурий ташки муҳандислик коммуникациялари ва инфратузилмасининг кичик саноат зоналарида тадбиркор

лик субъектларини жойлаштиришга оид ишлаб чиқилган лойиҳаларга биноан қурилишини ва модернизация қилинишини таъминласин.

9. Қуйидагиларга: Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазирини Ж.А.Қўқоровга — ушбу қарор билан қўйилган вазифаларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш доирасида вазирлик ва идоралар фаолиятини самарали мувофиқлаштириш учун; Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва саноат вазирини Б.А.Ходжаевга — маъмурий кенгашлар томонидан кичик саноат зоналари ҳудудида ишлаб чиқаришларни жойлаштиришга инвестиция талабномаларининг ўз вақтида қабул қилиниши, шунингдек, кичик саноат зоналарининг салоҳиятидан самарали фойдаланилиши, лойиҳаларнинг ўз вақтида амалга оширилиши ва жорий этилиши учун;

Ўзбекистон Республикаси энергетика вазирини А.С.Султановга, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига — қурилишнинг ўз вақтида тугатилиши, модернизация ва кичик саноат зоналари иштирокчиларини ташки муҳандислик коммуникациялари ва инфратузилмага уланиши, уларнинг объектлари реал ишлаб чиқариш эҳтиёжларига мувофиқ электр энергияси ва табиий газ билан узлуksиз таъминлиниши учун шахсий жавобгарлик юклатилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига: ушбу қарор талабларини ҳисобга олган ҳолда Кичик саноат зоналари тўғрисида янгиланган низоом лойиҳасини; қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазирини Ж.А.Қўқоров ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари Г.К.Саидова зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**
Тошкент шаҳри,
2019 йил 21 июнь

Ш.МИРЗИЁЕВ

ФРАКЦИЯ ЙИГИЛИШИ

Мамлакатимизнинг халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар билан ўзаро манфаатли, тенг алоқалар ўрнатиши — халқлар фаровонлиги, мамлакатлар тараққиёти учун хизмат қилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг 13-14 июнь кунлари Қирғизистон Республикасининг Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг ўн тўққизинчи мажлисида билдирилган гоғлар мазмун-моҳияти ҳам бу фикрларнинг яна бир тасдиғидир.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП фракцияси ва партия Сийёсий Кенгаши Ижроий қўмитаси билан биргаликда ўтказилган йиғилишида мамлакат тараққиётида ушбу нуфузли саммитнинг аҳамияти, муҳим минтақавий ва халқаро масалалар доирасида парламентлараро мулоқотни ташкил этиш, сийёсий партиялар, фуқаролик жамияти институтларининг ўрни юзасидан фикр алмашилди.

Давлатимиз раҳбарининг ШХТ доирасидаги амалий ҳамкорлигини кенгайтиришга оид илгари сурган олтига устувор мезонга таянган таклифлари долзарб аҳамиятга эга эканлигини фракция аъзолари алоҳида таъкидладилар.

Хусусан, Президентимизнинг ахборот технологияларини янада ривожлантириш, ШХТ доирасида ушбу соҳага масъул идоралар раҳбарларининг мунтазам учрашувлари ташкил этиш, айниқса, киберхавфсизликни таъминлаш масалалари бўйича ҳамкорлик дастурини

ишлаб чиқиш бўйича берилган таклифлари бугунги кунда ушбу масалалар нақадар долзарблигини англатади.

Яна бир муҳим ташаббус, ҳамкорлигининг кенгайтириши ва мамлакатлар ривожланишининг асоси сифатида ШХТ Иқтисодий форумини мунтазам ташкил қилиш, илк форумни эса Самарқанд шаҳрида ўтказиш таклифи ушбу соҳанинг тизимли ривожига хисса қўиши билан аҳамиятлидир.

Шу билан бирга, давлатимиз раҳбари долзарб таклифларининг бешинчисида Ташкилот доирасида парламентлараро мулоқотни тиклаш, Ташкилот имкониятларини кенгайтириб, унинг фаолиятига сийёсий партиялар ва фуқаролик жамияти институтларини жалб қилиш бўйича айтган фикрлари сийёсий партиялар ҳаётида янги босқични бошлаб бериши билан аҳамиятлидир.

Эътироф этилганидек, ушбу ташаббус ҳаётга татбиқ этилиши натижасида ШХТга аъзо давлатлар партиялараро алоқа-

**Халқаро алоқалар мустаҳкамланиши
ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ**

лари томонлар ўртасидаги муносабатларни янги босқичга олиб чиқади. Юртимизда фаолият юритаётган сийёсий қўчалар бевосита хорижий давлатлардаги сийёсий партиялар билан тўғридан-тўғри мулоқотга киришади. Шу аснода улар билан кўп томонлама партиявий ҳамкорлик йўлга қўйилади, ўзаро таъриба алмашилади, зарур ҳулосалар чиқарилади.

Шунингдек, Юртбошимиз ШХТ шаҳар ва минтақаларининг тарихий-маданий меросини омаллаштириш ва туристик салоҳиятини янада тўлиқ намойён этиш муҳимлигини таъкидлар экан, яна бир яхши аънамага асос солишни таклиф қилди. Яъни ҳар йили Ташкилотда ра-

ислик қилувчи мамлакатдаги шаҳарлардан бирини ШХТ сайёҳлик ва маданий пойтахти, деб эълон қилиш таклифи барча иштирокчи давлат раҳбарлари томонидан ижобий баҳоланди, бу эса ўзаро маданий ҳамкорликка ҳам катта йўл очиб беради.

Ушбу ташаббусларнинг ҳаётлиги ва долзарблигини инобатга олиб, партия фракцияси аъзолари жойларда сайловчилар билан учрашувлари давомида ушбу таклифларнинг мақсад ва вазифалари, Президентимиз ташаббусларининг мазмун-моҳиятини, аҳамиятини халқимизга етказиш ҳақида фикрлашиб олдилар.

Шундан сўнг депутатлар фракция аъзолари ташаббуси

билан Қонунчилик палатасига киритилиши режалаштирилаётган "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 171-моддасига қўшимча киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини қўриб чиқишди.

Ушбу қонун лойиҳаси давлатимиз раҳбарининг тавсияси асосида солиқни сақлаш тизими ва унинг ҳудудий бўлиналари фаолиятини ўрганишнинг яқиний ҳулосалари, мутахассислар билан олиб борилган амалий мулоқотлар ва таҳлиллар асосида ишлаб чиқилган.

Айтиш керакки, тез тиббий ёрдам хизмати ходимлари ёрдамига муҳтож беморлар учун ҳар бир дақиқа, ҳар бир сония

қимматли. Афсуски, шифокорларнинг чақирув бўйича жойларга ўз вақтида етиб бориши билан боғлиқ муаммолар тез-тез учраб туради. Бунга ҳар қандай шошилиш ҳолатда ҳам тез тиббий ёрдам автомашинаси ҳайдовчиларининг махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этиладиган йўл ҳаракати қоидаларига амал қилишга мажбуриги сабаб бўлмоқда. Баъзи кечиктириб бўлмайдиган шошлинч ҳолатларда эса тез тиббий ёрдам ходимлари йўл ҳаракати қоидаларига амал қилишга мажбур бўлмоқда ва бу ҳолат уларнинг жавобгарликка тортилишига олиб келмоқда.

Маълумотларга кўра, махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали тез тиббий ёрдам автомашиналарининг махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидаларини бузиш билан боғлиқ амалиётдаги айрим муаммолар ҳолатлар бартараф этилишига хизмат қилади. Тез тиббий ёрдам хизматини кўрсатувчи транспорт воситалари ҳайдовчиларнинг асосси юридик жавобгарлигининг олди олинади.

Депутатлар мавзуга доир фикр ва таклифлар билдиришди. Мажлисида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Анвар ЭГАМҚУЛОВ,
журналист**

Сиёсий партиялар ўртасидаги халқаро ҳамкорлик —

ДЕМОКРАТИК ЖАРАЁНЛАРНИНГ МУҲИМ БЕЛГИСИ

Давоми.
Бошланғич 1-бетда

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, ўтган йиллар мобайнида ташкилот аъзолари ўртага ташланган ташаббусларни қўллаб-қувватлаш ва ҳамжихатликда амалга ошириш борасидаги ҳамкорлиги диққатга сазовордир. Бу ҳолатни Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг қўл томонлама ҳамкорлигини ривожлантириш бўйича ШХТнинг Остона (2017 йил) ва Циндао (2018 йил) саммитларида илгари сурган тақдир кўп ташаббуслари қўллаб-қувватланиб, амалиётга татбиқ этилганида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, Президентимиз ташаббуси билан Циндао Давлат раҳбарларининг Ёшларга қўшма мурожаати қабул қилинди.

Президентимиз яқинда бўлиб ўтган ШХТнинг Бишкек саммити давлат раҳбарлари Кенгаши мажлисида сўзлаган нутқида ҳам ташкилот доирасидаги амалий ҳамкорлиқни кенгайтиришга оид яна бир қатор муҳим тақдирларни илгари сурди. Хусусан, давлатимиз раҳбари долзарб тақдирларнинг бешинчисида "ШХТ доирасида парламентлараро мулоқотни тиклашга доир ташаббусларни қўллаб-қувватлаймиз. Ушбу янги механизм Ташкилот имкониятларини кенгайтириб, фаолиятимизга парламентарийлар, сиёсий партиялар ва фуқаролик жамияти институтларини жалб қилиш имконини беради", деган фикрлар сиёсий партиялар ҳаётида янги босқични бошлаб бериши билан аҳамиятлидир.

Авалло, ушбу ташаббус партиямиз Сайловолди дастурига тўла ҳамоҳанглигини алоҳида қайд этиш лозим. Жумладан, дастурда партиямизнинг "Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) давлатлари билан гуманитар ва ижтимоий соҳаларда ўзаро муносабатларни кенгайтириш ва мазкур мамлакатларда истиқомат қилаётган халқларнинг фаровонлигини янада ошириш мақсадидаги трансчегаравий, транспорт-коммуникация, инфратузилмавий ҳамда ижтимоий лойиҳалар тарафдори" экани таъкидланган.

Маълумки, кейинги йилларда бир қатор хорижий давлатлар билан мамлакатимизнинг икки томонлама ҳамкорлик муносабатларида парламентлараро алоқаларда ҳам эътибор қаратиб келинмоқда. Мамлакат раҳбарларининг давлат ташрифлари доирасида парламент вакилларининг иштироки этиши таъминланмоқда. Пировардинда, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари хорижий давлатлар қонунчилик фаолиятини ўрганиш ва тажриба алмашиш имконига эга бўлмоқда.

Таъкидлаш лозимки, сўнгги йилларда барча соҳалар қатори сиёсий партиялар фаолиятида ҳам қўллаб-ўзғаришлар содир бўлди. Улардан бири сиёсий партиялар учун халқаро алоқалар майдони яратиб берилгандир. Масалан, Ўзбекистон "Адолат" СДП мисолида оладиган бўлсак, сўнгги икки ярим йил ичида партиямиз вакиллари 3 марта хорижий мамлакатларда бўлиб ўтган анжуманларга ташриф буюришди. Партиямизнинг яқин 10 йилликдаги тарихини олиб қарасак, бу анча салмоқли рақам ҳисобланади. Сафарлар давомида хорижий мамлакатлар сиёсий партиялари билан фойдали мулоқотлар бўлиб ўтди, фикрлар алмашилди.

Айни пайтда сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари ўртасидаги халқаро ҳамкорлиқнинг ривожлантириши даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Давлатимиз раҳбари юқоридаги тақлифни билдира экан, масаланинг ана шу жиҳатида алоҳида эътибор қаратди.

Дарҳақиқат, ушбу йўналишдаги ҳамкорлик дунёнинг каттагина ҳудудини қамраб олган ШХТга аъзо давлатлар ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, маданий-маърифий алоқалар ривожланишини янги поғонага кўтарди. Жумладан, парламентимиз қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳам қонунларни янада мукамаллаш ишлаб чиқиш имконияти кенгайди.

Президентимизнинг ушбу тақлифи ҳаётга татбиқ этилиши натижасида ШХТга аъзо давлатлар партиялараро алоқалари томонлар ўртасидаги муносабатларни янги

босқичга олиб чиқади. Юртимизда фаолият юритаётган сиёсий қучлар бевосита хорижий давлатлардаги сиёсий партиялар билан тўғридан-тўғри мулоқотга киришади. Шу аснода улар билан кўп томонлама партиявий ҳамкорлик йўлга қўйилади, ўзаро тажриба алмашилади, зарур ҳулосалар чиқарилади. Бу эса, ўз навбатида, томонларнинг партиявий фаолияти ривожланишига ва демократик жараёнларга янада мослашувига хизмат қилади.

Айтиш керакки, ШХТга аъзо давлатлар ва кузатувчи давлатларнинг асосий қисмида социал-демократик партиялар фаолият юритади. Демак, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ҳам энди улар билан тўғридан-тўғри алоқага киришади, мулоқот олиб боради, тажриба алмашади.

Партия Сайловолди дастурини ишлаб чиқиш ҳамда уни амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш бўйича хорижий давлатлар тажрибасидан фойдаланиш ҳамкорлигимизнинг устувор жиҳатига айланади. Бу эса, мамлакатимиз тараққиётга хизмат қилувчи янги-янги ғоялар пайдо бўлишига туртки бериши табиий. Зеро, Президентимиз 2017 йилнинг 12 июлда видеоселектор йиғилишидаги маърузасида ҳам "... сиёсий партиялар ўз дастурий мақсад ва вазифаларини, мафзуравий соҳадаги ишларини қайта кўриб чиқиб, уларга зарур ўзгариш ва қўшимчалар киритиши, бунда жаҳон тажрибасини ўрганиш; халқаро ҳамкорлиқни қўлайлаштириш; фойдалан ҳоли бўлмайди", дея алоҳида эътибор қаратган эди.

Давлатимиз раҳбарининг сиёсий партиялар ўртасидаги халқаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга қаратилган бу илғор ташаббуси ижросида Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ва унинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси иштирок этиши Сайловолди дастурида назарда тутилган ташқи алоқаларни янада мустаҳкамлаш ва амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Давлатимиз раҳбарининг сиёсий партиялар ўртасидаги халқаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга қаратилган бу илғор ташаббуси ижросида Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ва унинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси иштирок этиши Сайловолди дастурида назарда тутилган ташқи алоқаларни янада мустаҳкамлаш ва амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

ТАШАББУС

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда мамлакатимизда беғараз донорлик ва уни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, "Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида"ги қонунга мувофиқ, қон хизмати муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш, қон ва унинг таркибий қисмлари хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, аҳоли ўртасида беғараз донорликни ривожлантиришга қаратилган қатор дастурлар ҳаётга татбиқ этилмоқда.



Донорлик акциясида УНИВЕРСИТЕТ ЎҚИТУВЧИЛАРИ ВА ТАЛАБАЛАР ҚАТНАШДИ

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ташаббуси билан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида айни кунларда ўтказилаётган "Хар бир болага меҳр-мурувват!" ойлари доирасидаги туркум хайрия акцияларининг бири бўлган "Бор меҳримиз сенга, болажон!" беғараз донорлик акциясининг ҳам юртдошларимиз томонидан тўла қўллаб-қувватланаётгани бу борадаги ишларга ўзига хос улуш қўшиш имконини бермоқда. Аҳмадий таразда ўтказиб келинаётган мазкур беғараз донорлик тадбирларида республикамизнинг етакчи жамоат ташкилотлари, олий таълим муассасалари ҳамда вақирлик ва идоралар вакиллари хайрихоҳлик билдирмоқда.

Ана шундай ҳамкорликда тадбир мазкур ҳафтада Ўзбекистон жаҳон тиллари университети ҳамда Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида ўтказилди. Унда университетлар раҳбарияти, профессор-ўқитувчилар, устозлар, талабалар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари мурғак қалблар саломатлиги учун қон топиришди.

Азиза МИНГБАЕВА, Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети битирувчиси: — Университетнинг қончилик факультети битирувчиси. Бугунги кун мен учун янада унутмас кун бўлди. Чунки устозларим берган 4 йиллик таълим-тарбияси натижасида битирув малакавий ишмни аёло баҳога ҳимоя қилиб, бакалавр йўналишини қизил диплом билан тамомлашга эришдим. Устозларимга миннатдорлик билдириш учун келган нимада уларнинг беғараз донорлик акциясида қон топириётганини кўрдим. Бу ҳам менга бир ҳаётий сабоқ эканини англадим. Мен ҳам дарҳол тиббий текширувлардан ўтиб, донор сифатида болажонлар соғлиги учун қон топиришдим.

Айтиш жоизки, бу каби тадбирлар натижасида юртдошларимиз саломатлиги учун ўзларида дахлдорлик масъулиятини ҳис этиётган кўнгиллилар сафи ортиб бораётгани барчамизни қувонтирмоқда. Бундай савоатпеша кишиларнинг ўз саломатлиги ҳамда турмуш тарзи ҳақида берган аниқ маълумотлари эса қоннинг хавфсизлигини таъминлашда ғоятда муҳимдир. Негаки, донор бўлишга аҳд қилган инсон масъулиятни ўз бўйига олади. Энди у нафақат ўз соғлиги учун, балки донор сифатида бошқаларнинг саломатлиги учун ҳам масъул саналади.

Дурдона МАРДОНОВА, Ўзбекистон жаҳон тиллари университети талабаси: — Ҳаётимда илк бор донор сифатида қон топиришим учун бу жараён дастлаб қўнғимда ҳаяжон уйғотди. Аммо кўнғимдаги эзгулик ҳисси устун келиб мен ҳам беғараз қон топирувчи донорлар сафидан ўрин олдим. Қайсидир

маънода инсонлар саломатлигига ҳисса қўшганлигим учун бундай хайрли тадбирни ташкил қилган Ўзбекистон "Адолат" СДП вакиллари миннатдорлик билдираман. Негаки, биз хайрли ишга қўл уриш баробарида ўз саломатлигимиз борасидаги муҳим маълумотларга ҳам эга бўлдик. Тиббиёт ходимлари томонидан берилган тавсияларга тўлақонли амал қилган ҳолда бемор болажонлар соғлигини тиклашга улуш қўшиш истагида доимий қон топириб юришни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим.

Ўтказилган акцияларда Гематология ва қон қуйиш илмий-тадқиқот маркази мутахассислари томонидан талабаларга қон топириш имкониятлари ҳамда хавфсизлиги, унинг бошқа инсонлар ҳаётига зарурлиги ҳамда донор саломатлиги учун ҳам фойдали жиҳатлари ҳақида тушунчалар берилди.

Зулфия ИСМАИЛОВА, Республика қон қуйиш маркази сайёр гуруҳи бўлим бошлиғи: — Мамлакатимизда қон ва қон маҳсулотларига бўлган эҳтиёж жуда катта. Хар куни минглаб инсонлар донор қонига муҳтож бўлади. Бугунги кунда

Акция якунида Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ва олий таълим муассасалари ўзаро ҳамкорликда бу каби хайрия акцияларини доимий равишда ўтказишга келишиб олишди.

"Хар бир болага меҳр-мурувват!" ойлари доирасидаги туркум хайрия акциялари 11 июлга қадар республикамизнинг барча ҳудудларида давом этади.

Фаррух АБДУҲАМИДОВ, Ўзбекистон "Адолат" СДП Матбуот хизмати масъул ходими

«I love Uzbekistan»

ЁКИ ВАТАННИ ИНГЛИЗЧА СЕВИШ КЕРАКМИ?

Давоми.
Бошланғич 1-бетда

Чиндан ҳам бу каби ёзувларни ўрнатиш шартми, деган савол туғилади. Шу ёзувнинг ўрнига она тилимизда "Мен сени севаман, Ўзбекистон!" ёки "Сени севаман, Ўзбекистон!" деган ёзув ўрнатилса бўлмай-дими?!

Сирдарё вилоятида ҳам инглизча сўзлар битилган лавҳани ўрнатиш "мода"га айланди. Ажабо, ватанпарварликни шундай шаклу шамойилда тарғиб этамизми?

Энди тасаввур қилинг, юртимизга ташриф буюрган хорижий меҳмон бу ёзувларга кўзи тушса, нима деб ўйлайди? Бу ўз тилимиздан воз кечи, уни бошқа тил билан осонгина алиштириб олиш эмасми? Ёки ўз она Ватанимизни севишимизни ажнабий тилда айтишимиз шартми? Бундай ёзувлар, лавҳаларга ружу қўётган шахслар она Ватанимизни давлат тилида сева олмайдиларми?!

Ажабо, она тилини севай туриб, Ватанни севиб бўладими ўзи?

Бугунги кунда хорижий тилларни ўрганишга жиддий қиришганимиз рост, бу давр талаби эканини ҳаммамиз яхши англаймиз. Шу билан бирга, бу тилларни ўрганиб, юриш-туришимиз, гап-сўзларимиз ҳам ўзгариб бормоқда. Албатта, тилни ўрганиш яхши. Чунки қадим аждодларимиз ҳам тил ўрганишга жиддий аҳамият берган. "Тил билган эл билади", деган пурмаъно накл бежиз айтилмаган. Аммо хорижий тилларни ўрганиш дегани инсон миллий ўзлигидан кечиб юбориши керак, дегани эмас-ку! Ўн та тил ўрганганда ҳам ватанпарварлик ҳисси юракда абадий яшамоғи шарт. Аслида бошқа тилларни билишимиз ҳам Ватанга хизмат қилиш учун керак.

Афсуски, айрим ёшлар бошқа тилларни ўрганар экан, бора-бора хорижликларга кўр-кўрона тақлид қилишга одат-



ланганини кузатиш мумкин. Сўзларни ўзбек тили билан аралаш-қуралаш тарзда талаффуз қилиб, миллий тилимизни ҳам бузиб юборишяпти.

Айтаверсак гап кўп. Ахир дўкон пештахталари, супермаркет, гўзаллик салонлари-ю бошқа жойларда лавҳаларни инглизча, русча ва бошқа тилларда ёзиш ҳолатлари болалаб кетгани ҳам бор ҳақиқат-ку!

Хуллас, Ватанимизга муҳаббатимиз изҳори "I love

Uzbekistan!" деб битилган лавҳани хорижий тилда ёзиб қўйиш билан белгиланмайди. Яна қайтариб айтман, бу билан мен тил ўрганиш ёмон деяётганим йўқ, балки ўзгалар тилини ўрганиб, ўзлигимизни йўқотиб қўймайлик, демокриман. Шу билан бирга, кўчаларда "Мен сени севаман, Ўзбекистон!" эмас, "I love Uzbekistan!" деган лавҳа юрак сурати билан бирга ўрнатиб қўйилгани ёшлар орасида бун-

га бошқача мазмундаги тақлидни кучайтиради. Негаки, юрак тасвири ватанпарварлик маъносидан кўра инсонлар ўртасидаги севи ва ҳавасни эслатиши ҳақиқатга яқинроқ. Шу маънода юрак тасвири нафақат ёшларнинг фикрини чақилтади, балки "оммавий маданият" тарғиботида ҳам хизмат қилади, дейиш мумкин. Ўзи билладиган, хар куни қўллайдиган тилдаги ёзувни қўриб, ҳеч бир хорижлик хай-



ратланмайди. Аксинча хайрон қолиши, эҳтимом истехзо билан қараши мумкин, холос. Сайёҳлар миллийлигимиз нафаси сезилмаган жойларни кўрганида завқ ҳиссини туймайди, деб ўйлайман.

ОАВда баъзи зиёлилар бу ҳолат аслида бизнес мақсадлари билан боғлиқ, деган фикрнинг ҳам билдиришиди. Балки бу гапда жон бордир. Хар ҳолда юзлаб, балки минглаб бундай лавҳаларни тайёрлаш учун озгина маблағ сарфланмаса керак! Бу маблағлар, табиийки, сиз билан бизнинг чўнтагимиздан кетади. Яна ҳам аниқроқ айтганда, давлат бюджетидан сарфланади ўша маблағ. Ваҳоланки, бюджет маблағи сиз билан биз тўлаётган солиқлар ҳисобидан шаклланади. Демак, жаноб раҳбарлар, бизнинг, яъни халқнинг пулини керак-но керак нарсаларга совурманг, дейишга ҳақлимиз.

Демокчимизки, агар бундай ёзувлар Ватанни севишга ўргатиши аниқ бўлса, майли, уни ўзбекча ёзайлик. Юрак сурати тилда ёзувнинг ўзини ёзиб, тегишли жойларда лавҳа давлат тилида ўрнатилса, озми-кўми, кишига ижобий таъсир қилса, ажаб эмас. Бу лавҳа она тилимизга бўлган ҳурматимизни оширишга ҳам ҳисса қўшган бўлар эди.

Дарвоқе, биз мухтасаргина битигимизда бундай хорижий тилда ёзилган лавҳалар Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги қонуни талабларига қай даражада жавоб бериш ёки бермаслик масаласига тўхталиб ўтирмадик.

Хулоса ўзингиздан, азиз муштарий!

Меҳринисо БОБОНАЗАРОВА, Ўзбекистон "Адолат" СДП Сирдарё вилоят кенгаши матбуот котиби

Топганларимиз ва йўқотганларимиз

Шекспир қаҳрамонларидан бири — Гамлетнинг монолоғидаги машҳур саволни ўзгачароқ қилиб ифодалайдиган бўлсак, "Яшамок ё завод топмок" (*асар матнида* — "Тирик қолмоқ ё ўлмоқ, шудир масала") ибораси бугун газета-журналлар фаолияти нуқтаи назаридан журналистларни чуқур ўйга толдирган, дейиш мумкин.

Ҳозирда юртимиздаги босма нашрлар тахририятлари иқтисодий жиҳатдан оғир ҳолатни бошидан кечирмоқда. Чунки 2019 йил учун обуна кўнгилаидек бўлмади. Натижада тахририятларнинг самарали фаолият юритиши, газеталарнинг чоп этиш билан боғлиқ қатор муаммолар юзага келди.

"ОБУНА МАЖБУРИЙ ЭМАС" СЎЗИНИНГ ФЕНОМЕНИ

Бир қарашда мажбурий меҳнатга барҳам бериш баробарида интернет тармоғида тарқалган обунанинг ҳам мажбурий эмаслиги ҳусусидаги фикрлар жараёнини ибтидои бўлди.

Аслида бу анча аввал бошланган эди. Йиллар давомида, биринчи навбатда, айрим марказий нашрларга обунанинг марказлашган ҳолда ташкил этилиши қатор қусурларни келтириб чиқарди. Обунага мажбурий равишда йилгилан маблағлардан айрим шахслар ўз манфаатлари йўлида фойдаланиб келганлиги масаланинг бир жиҳати бўлса, тахририятнинг маъмурий бўйруқбозлик натижасида йилгилан пуллардан ҳосил бўлган кафолатли йиллик бюджетни журналистларни боқибегамлик ботқоғига тортиди.

Натижада обуначиларнинг нозилиги ортиб, мақолалар савияси, таъсирчанлиги, халқчиллиги пастлаб кетди. Бунга нафақат журналистлар, балки турли даражадаги раҳбарлар ҳам ҳисса қўшди. Ҳаётдан йироқ мавзулар, маърузабозлик услубида ҳисоботлар учунгина битилган "асарлар" газеталаримиз савиясини тушириб юборди. Нашрлар эгизакдек кўриниш ҳосил қилди. Мазкур жараён қанчондир барҳам топиши мумкин.

"Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" бунга яққол намоён эди. Янгича ёндашув, очиклик ва ошқоралик шароитида қалам тебратишда байроқни интернетдаги ҳамкасбларимиз илиб кетиши (бунинг ҳам объектив ва субъектив сабаблари бор). Обунанинг маж-

бурий эмаслиги жамиятимизда шу қадар қучоқ ёзди. Бунинг ўзаги эса муаммо аллақачон пишиб етилганида эди.

УЧТА "S" ТАМОЙИЛИ ВА МАЪНАВИЯТ

Талабалик давримизда ғарб журналистикаси учта "S" (sen-sation, sex, sadism) принциплари асослангани айтиларди. Айнан шу тамойил бугун интернетнинг ўзбек сегментини ҳам маълум даражада "заҳарлади". Зўравонлик, қотиллик, фоҳишабозлик ҳусусидаги хабарлар мунтазам учраб туриши ўқувчини ўзига жалб қилмоқда. Асрлар давомида ўзбек менталитетида ёт ғояларни сингдиришга қаратилган мафқуравий ва ахборот хуружлари урдалай олмаган иш кўз ўнгимизда силлиқина омалашмаётганими? Газеталар ҳам

шу услубга ўтиб кетадиган бўлса ёки умуман фаолияти тўхтаса, маънавиятимизга пугур етиши турган гап. Фақат маънавиятгагина эмас, албатта. Хар қандай мамлакатда давлат бор экан, унинг сиёсати шакланган экан, миллий мафқура ишлаб чиқилган экан, уларни тарғиб этувчи газеталар чоп этилиши исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Ахир дунёқарашимиз, билимимиз, тарбиямизни ўнглаш учун китобхонликка яна қайтмоқдамиз-ку! Нега энди босма сўз орқали таъсир этиш воситасидан онгли равишда воз кечмоқдамиз?

ХАР НЕ БЎЛСА, ЯХШИЛИККА

Халқимизда "Хар не бўлса, яхшиликка", деган нақл бор. Босма оммавий ахборот воситалари соҳасидаги ўзига хос жараёнинг ижобий тарафлари ҳам талайгина. Очиклик ва ошқоралик даражаси кескин ортди. Ахборот бозоридида рақобат эса маҳсулот сифатини оширишга хизмат қилмоқда. Маълумотларни тўплаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш ва давр мойилликлари аниқлаш каби салоҳият талаб этилмоқда ҳамкасбларимиздан.

Шиддатли замонда яшаётган газетхонлар учун масаланинг моҳиятини лўнда ва айна дамда



Саïдахмад ШУКУРОВ,
"Андижонская правда" ва
"Андижанская правда"
газеталари бош
муҳаррири

кенг қамровли очиб берувчи материаллар зарур. Демак, эскича қўлпидида мақола туғул, сарлавҳалар, рунклар, фотомаҳсулотлар ҳам бугунги ўқувчининг эътиборини тортмайди.

Касб байрагимиз арасида қизиқарли, мураккаб жараёнда "қайнаётган" журналистларга ижодий муваффақиятлар тилайман. Келгуси касб байрағимизда матбуот соҳасидаги ижобий ўзгариш ва янгилашлар, ютуқлар ҳақида сўз юритиш ҳаммамизга насиб этсин, дейман.

Замоннинг шиддати тез. Ҳаётни эса оммавий ахборот воситаларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Сал хотиржамликка берилсангиз, давр руҳидан орқада қўлиб кетишингиз тайин. Жамиятда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараённинг нафаси кириб бормаган манзилу макон қолмади ҳисоб. Чунки биз ахборотлар асрида яшаймиз.

Ҳаёт кўзгуси

Матбуотни ҳаёт кўзгуси, деймиз. Жамият ҳам ана шу кўзгуга доим эътиҳаманд бўлиб келган. Юртимизда мустақиллик йилларида барча соҳалар қатори миллий матбуотимизни ҳам янги босқичга кўтариш, унинг очиклиги ва ошқоралигини таъминлаш бўйича қатор ишлар амалга оширилди. Демократик янгилашлар жараёнини чуқурлаштириш мақсадида ОАВ имкониятидан кенг фойдаланиш бўйича янги қонун ҳужжатларининг ишлаб чиқилганлиги матбуотга янги ҳаёт бағишлади. Журналистларнинг эркин фаолият юритишлари учун қулай шароитлар яратилди.

Ҳозирги кунда Сурхондарё вилоятида иш олиб бораётган 32 та босма нашр, 4 та телевидение ва радио фаолиятини ана шу муштарак мақсадлар сари йўналтириш бўйича қатор тадбирлар ишлаб чиқилган. Вилоят ҳокимлиги томонидан журналистларнинг жамият ҳаётидаги эришиш, журналистларнинг салоҳиятини, аниқсиз, ёш мутахассисларнинг тажрибасини ошириш, ахборотларнинг ҳоли ва текозкорлигини таъминлаш учун қилинётган савий-ҳаракатлар вилоятда соҳани ривожлантиришга замин яратмоқда. Шу йилнинг бошида вилоят журналистларидан 9 нафари Термиз шаҳрининг "Аму соҳили" массивида қад ростлаган арзон уй-жой билан таъминланди.

Журналист ҳаммаша уйғоқ, воқеа-ҳодисаларга теран нигоҳ билан боқадиган, ҳаётнинг қувонч ва ташвишларини елкасида кўтариб юрадиган бўлиши керак. Шундай экан, барча матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларини касб байрами билан муборакбод этиб, уларнинг заҳматли меҳнат фаолиятларига муваффақиятлар ёр бўлишини тилайман.

Шунингдек, Сурхондарё телерадиоканкомпанияси ҳам янги қиёфа кашф этди, янги замонавий телестудия қурилиб, фойдаланишга топширилди. Телевидение ва радио орқали узатилаётган эфирларнинг сифатига эришиш, журналистларнинг салоҳиятини, аниқсиз, ёш мутахассисларнинг тажрибасини ошириш, ахборотларнинг ҳоли ва текозкорлигини таъминлаш учун қилинётган савий-ҳаракатлар вилоятда соҳани ривожлантиришга замин яратмоқда. Шу йилнинг бошида вилоят журналистларидан 9 нафари Термиз шаҳрининг "Аму соҳили" массивида қад ростлаган арзон уй-жой билан таъминланди.

Журналист ҳаммаша уйғоқ, воқеа-ҳодисаларга теран нигоҳ билан боқадиган, ҳаётнинг қувонч ва ташвишларини елкасида кўтариб юрадиган бўлиши керак. Шундай экан, барча матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларини касб байрами билан муборакбод этиб, уларнинг заҳматли меҳнат фаолиятларига муваффақиятлар ёр бўлишини тилайман.

"Нони қаттиқ" касб қадри

Журналист бўлишга ҳавас болалигимда уйғонган. Мана, қарийб ўттиз беш йилдирки, шу соҳада фаолият юритиб келмоқдаман. Шу йиллар давомида бу касбнинг сир-синоатларини ўрганиш баробарида, унинг заҳматларини чекиб, қувончларини ҳис қилиб яшашга ўргандим. Темир ўтда тоблангани сингари, ижод оташи ҳам қаламқашни тоблайди.

Кимдир ҳавас қилди, унинг "нони қаттиқлигини" эслатиб, "хо-ю, ҳавас" мандаг йўйганлар ҳам бўлди. Не бўлганда ҳам, кўнглим истаги ҳар қандай машаққатга тоб берад экан.

Гарчи бу йил нафақат вилоятлардаги, балки бутун республикамиздаги ОАВлар, аниқсиз, газета-журналлар тахририятлари ижод аҳли учун чинакамига имтиҳон даври бўлганига қарамай, ҳамон аксарият журналистларимиз қалами ўткир, одими ҳаммаша шаҳдам, сўзида собит, ойдин келажакка ишонч билан қалам тебратаяпти, деб ўйлайман. Айрим йилгиларда, ҳатто матбуот анжуманларида обуна ҳақида сўз боргудек бўлса, албатта бу масала кимгадир "огирлик" қилади. Обунадан кўра, кўпроқ ўзаро ҳамкорлик ҳақида сўз юритишимизни, обуна мажбурий эмаслигини алоҳида урғу бериб таъкидлашди. Бироқ, улар инсон манфаатлари деган сўз ортида, биргина ширин сўзга борини бериб юборишга тайёр, уларни керакли вақтда қўлаб, баъзан иш битган, ҳеч кимнинг ҳаёлига ҳам келмайдиган соҳа вакиллари борлигини, уларнинг ҳам ҳақ-ҳуқуқлари ҳурмат қилиниши зарурлигини негиздан "нутуби қўйишди".

Бугунги кунда айримлар "интернет замони келди", деб жар солиб, бошини телефон ёки компьютердан кўтармай, сайтларни титкилаб, дунё янгиликларига қизиқаётган бир паллада шу қамтаргина газета-журналларда бориға қаноат қилиб, марказий ва маҳаллий нашрларда қалам тебратаятган ижодкорлар ўз ҳудудларида нашр этилаётган газеталарда ҳудудда ўз бераётган ижтимоий-иқтисодий, маданий соҳаларда оқиб борилаётган янгиликлардан аҳолини баҳраманд этиш иштиёқи билан яшамокда, ижод қилмоқда.

Рухан тетиклик, дунёга теран нигоҳ ва ҳолислик билан назар ташлаш, кишилар қалбига Ватанга муҳаббат, бетакрор умрнинг ҳар бир лаҳзасини ибратли яшашга, одамларнинг қорига яраш, маънавий дунёсини бойитиш каби инсоний фазилатларни жо этишда қамарбаста бўлиш — буларнинг бари ҳар бир журналистнинг ҳаётий қоидадига айланган.

Ҳамкасбларимиз орасида "Журналистнинг нони қаттиқ бўлади, уни ейишга темирдиз тиш керак", деган ҳазилуомуз, аммо ҳақ гап бот-бот айтилади. Мен эса ана шу қаттиқ ноннинг мазаси ширин бўлади, деган бўлардим. Ширин нонини ёзсизлаб, кеча-кундуз халқ дарду ташвишлари билан ёниб, қувончлари билан секин-секин яшаётган барча ҳамкасбларимизни Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кун байрами билан самимий кутлайман. Уларга мустаҳкам соғлиқ, хонадонларига осойишталик ва чин ижодкорлик бахтини тилайман. Ҳаммаша чин сўзини айтиб, доим юзлари ёруғ бўлсин!



Исроил ШОМИРОВ,
"Сурхон ёшлари"
газетаси бош муҳаррири

Бугунги глобллашув даврида оммавий ахборот воситалари, хусусан, матбуотнинг ўрни ва таъсири беқиёс бўлиши табиий. Чунки матбуотнинг тараққий топиши билан одамларнинг ҳаётга, янгиликларга бўлган муносабати ўзгарди. Матбуот халқимизни маънавий юксалишга, теран фикрлашга даъват қиладиган қудратли куч саналади.

Газета ўқиш масалани чуқур англаш деганидир

Шу боисдан ўтган йиллар давомида мамлакатимизда юртдошларимиз ишонч ва ҳурматиға сазовор бўлиб бораётган матбуотнинг ролини ошириш борасида кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилди. Соҳанинг ҳуқуқий, қонунчилик базаси мукаммал шаклланди ва мустаҳкамлаиб борилмоқда.



Айшолпан ОРАЗИМБЕТОВА,
Ўзбекистон "Адолат" СДП
Қорақалпоғистон
Республикаси
кенгаши матбуот котиби

Лекин бугунги кунда юртдошларимиз орасида интернет пайдо бўлиши билан ҳеч ким газета-журнал ўқимай қўйди, асосий янгиликлардан телевидение, радио ва ижтимоий тармоқлар орқали хабардор бўлади, деган фикрлар ҳам йўқ эмас. Ҳақиқатдан ҳам босма оммавий ахборот воситалари ахборот бериш тизмоғидан интернет ва ижтимоий тармоқларга тенг кела олмайди. Лекин бугунги кунда ижтимоий тармоқларда тезкорлик билан берилаётган айрим воқеалар мазмун-моҳияти жиҳатдан мукаммал ёритилган, дея олмаймиз. Тезкорлик деб берилаётган ахборот ёки воқеанинг таҳлилига кам эътибор қаратилади.

Газета-журналларда эса матбуотнинг ўзига хос барча талабларига риоя қилинишига аҳамият қаратилиши билан бирга журналистнинг касб маҳорати ҳам ўз асосини топади.

Назаримда, бугун кўпчилик аҳоли китоб сотиб олишга ёки обуна бўлмаса ҳам ўзи қизиққан газетасини сотиб олишга ҳаракат қилмоқда. Бу юртимиздаги бугунги тараққиёт, одамларнинг онгу тафаккурининг ва яшаш тарзининг ўзгарганлиги билан боғлиқ ҳодиса. Хар қандай ҳодисага ҳолисона ёндашиб, унга таҳлилий нуқтаи назардан баҳо беришни истаган инсон, албатта, газета-журнал ўқишга ва маҳоратли журналист қаламидан завқ олишга интилади.

Барча касбдошларимизни яқинлашиб келаётган касб байрагимиз билан қутлаб, доимо маъсул-ият-ни чуқуроқ англаган ҳолда фидойилик, изланув-чанлик ва она халқимизга чексиз меҳр-муҳаббат билан ишлаш саодатини тилаб қолаймиз.

Матбуотга МЕҲР керак!

Давлат ва жамият ҳаёти, сиёсий, ижтимоий жараёнларда матбуотнинг ўрни беқиёс.

Бугунги кунда юртимизда матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари учун ўз нашининг фаолиятини давом эттириши мураккаб жараёнга айланди десак, янгилашмаймиз. "Тўртинчи ҳокимият" деб таъриф берилган бу машаққатли соҳа шу таърифга мос равишда ривожланиши, аввало, хар бир нашининг хонадонларга кириб боришини тақозо этади.

Аммо иқтисодий етишмовчилик туфайли республикамиздаги баъзи марказий нашрлар ҳам бироз танаффус эълон қилишга мажбур бўлганини қайд этишга тўғри келади. Ёки туман ва шаҳарларда 70-80 йилдан буён чоп этиб келинган айрим газеталар шу муаммо боис матбуот сахасидан тушиб кетай деб турганлиги ҳам бор гап. Амал-тақал қилиб чиқаётган газеталарнинг ҳам адади ўша ҳудуднинг аҳолиси сони билан солиштиришда, нақадар камлигини кўрамиз. Шунинг назарда тутганда, ўз муассислигидаги газета ёки журнални иқтисодий инқироз ҳолатидан ҳимоя қилолмаган, балки ўз наширига ёрдам беришни хоҳламаётган ташкилотларнинг мансабдор шахсларини бугунги давр раҳбари, деб айтолмаймиз.

Тўғри, бизга кўп таъна қилишади: Ҳақиқатини ёзсангизлар, газетани одамлар ўзи излаб топади, дейишади. Шубҳасиз, матбуотнинг мавқеани кўтарадиган энг катта мезон — ҳақиқат ва адолат! Ҳақиқат эса жуда аччиқ, у кимгадир ёқса, кимгадир ёқмаслиги аниқ. Шунга амин бўлганмизки, одамлар энг сўнгги ишонч ва умид сифатида тахририятларга мурожаат қилади, йиллар давомида ечилимаган муаммоларни ҳал этилишини сўраб тахририятлар эътигини қоқайди. Ҳеч бўлмаса, дилидаги ҳақиқатни қоғозда кўриб, кўнгли таскин топади.

Шу шарафли ва машаққатли соҳада кирк йилдан ортиқроқ вақт мобайнида фаолият кўрсатаётган бўлсам, матбуотимиз бошидан ўтказган қўлаб "савдолар"нинг, озми-кўми, шохиди бўлганман.

Кечагидек эсимда, хар бири 40 минг нусхадан кўпроқ чиқадиган "Дўстлик байроғи" ва "Знамя дружбы" вилоят газеталаридаги ҳолатлар. "Знамя дружбы" газетаси муҳбири имзоси билан тайёрланган, миллиятимизнинг энг илғор эътилолари, элу юрт танийдиган, ҳурмат қиладиган олимлари, фан ва тиббиёт фидойиларига — айбисиз айбдорларга нисбатан бўхтон ва тухматлар ёғдирилган мақолаларни рус тилидан ўз тилимизга алам билан, нафрат ҳисси билан таржима қилишимиз, вилоятнинг ўша вақтдаги биринчи раҳбари топириғи билан газетамизда бир саҳифа қилиб ёритилишини ҳозир эсласак, юракнинг зарби тезлашади. Шуқрим, бугун бундай сўз ўки билан "осиш" ва "отиш" ҳолатлари йўқ.

Бугунги матбуотда сўз эркинлиги, ҳақиқат мундарижаси бор. Жа-



Маруса ҲОСИЛОВА,
"Дўстлик" ордени соҳиб,
"Олтин қалам" миллий
мукофоти совриндори

ҳон матбуоти билан тенглаша оладиган ютуқларимиз бор. Журналистлар дунёга чиқиш, у ердаги ўзгаришларни ўз кўзи билан кўриш имкониятларига эга бўлди.

Тўғри, одамлар ҳозир матбуотдан, газета-журналлардан кўра кўпроқ турли интернет тармоқларига тобе бўлиб бормоқда. Аммо ҳали олдимизда бу тобеликнинг оғир бадаллари борлигини ҳам унутмаслигимиз керак. Ҳис-туйғуларимизни хиралаштираётган, тафаккуримизни ўтмаслаштираётган интернет ёлгонлари матбуотдан кўпчиликини узоклаштирмоқда. Мафқура майдонига қадам босишга билими, савияси етмаётган айрим раҳбарлар "мажбурий обуна" деган иборага аввало ўзларини ишонтиришди. Газета ва журналларга обуна қилмаслик учун барча хуналарини ишга солган бир қанча мансабдор шахслар республикамизда чоп этилаётган баъзи нашрларни ўқиш у ёқда турсин, ҳатто номини ҳам билмайдиган даражага етди.

Ахборот технологияларининг тараққий этиши манаман деган римовланган давлатларда босма оммавий ахборот воситаларига бўлган талаб ва эҳтиёжга заррача пугур етказмаганлиги биздаги баъзи баҳонапараст амалдорларда хижолат ҳиссини пайдо қилиши, уялтириши керак эмасми?! Янгилашаётган Ўзбекистоннинг жаҳон аро нуфузини кўтарадиган, доврўғини дунёга таратадиган воситалар орасида энг муҳимларидан бири матбуот эканини қачон англаб етасиз экан?

Демак, матбуотга ҳам янгича муносабат, янгича эътибор зарур!

Журналистлар, тахририятларга кўмак бериш борасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги хайрли қадамларни бошлаганидан хурсандимиз. Содда қилиб айтганда, журналистларнинг ҳам елкасига офтоб тегишига катта умид боғлаймиз.

ҚАРОР кимнинг манфаатини ҳимоя қилади?

ОЧИФИНИ АЙТГАНДА...

Хар бир мамлакат, юрт ўз келажagini, тараққиётини, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий йўлларини маълум бир қонунлар, қарорлар, фармонлар, фармойишлар асосида белгилаб олади. Бу ҳужжатлар нафақат шу мамлакат ёки давлатнинг равнақ топиши учун, балки халқнинг яхши, фаровон яшаши, тўқис ҳаёт кечириши учун ҳам хизмат қилади. Шу сабабли мамлакатимиз Президенти, республика Олий Мажлиси палаталари, Вазирлар Маҳкамаси томонидан чиқарилаётган қонунлар, қарорлар, фармонларга халқимиз катта умид кўзи билан қарайди. Уларни мамлакатнинг истиқболли келажagini белгилаш йўлидаги асосий омиллар деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 1 ноябрдаги “Ёқилғи-энергетика ресурсларининг нарх ва тарифларини босқичма-босқич ўзгартириш тўғрисида” деб номланган 897-сонли қарори ҳам юртимиз ижтимоий ҳаётидаги яна бир ҳужжат бўлди. Қарорда унинг қабул қилинишига сабаб бўлган омиллар “Ёқилғи-энергетика ресурсларини реализация қилишнинг бозор механизмларини янада жорий этишни таъминлаш, улардан оқилона фойдаланиш, энергия тежамкорлигини рағбатлантириш, молиявий интизомни мустаҳкамлаш ва ёқилғи-энергетика комплекси корхоналарини балансли ривожлантириш мақсади, шунингдек, ёқилғи-энергетика ресурсларининг жаҳон нархлари ўсишини ва товарлар (хизматлар) бозорларида монополияни босқичма-босқич пасайтирилаётганлиги инобатга олинганлиги” билан изоҳланади. Англашилдики, тўғридан, изоҳга кўра қарорда яхши мақсадлар кўзда тутилган. Бироқ қарорнинг асл моҳияти изоҳда айтилганидек, энергия тежамкорлигини рағбатлантиришга эмас, балки газ ва электр энергияси учун тўланадиган нархларни оширишга қаратилган. Қарор асосида 2018 йилнинг 16 ноябрдан бошлаб аҳоли истеъмоли учун бериладиган 1 куб метр табиий газнинг нархи 320 сўм қилиб, 1 квт-соат электр энергиясининг нархи 250 сўм қилиб белгиланди. Белгиланган бу нархларга бугунги кунда ҳам амал қилинмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг бу қарорининг яна бир “ўзига хос” томони шундаки, унда табиий газ ва электр энергияси учун истеъмол тўловларини — нарх ҳамда тарифларини бир марта эмас, босқичма-босқич ошириб бориш кўзда тутилган. Қарорга кўра, 2019 йилнинг 1 июнидан бошлаб 1 квт-соат электр энергиясининг нархи 280 сўмга, 1 куб метр табиий газнинг нархи 350 сўмга кўтарилиши қатъий қилиб кўрсатилган. Лекин республика Молия вазирлигининг Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигига тақдим этган маълумотида кўра, айрим сабаблар билан жорий йилнинг 1 июнидан бошлаб табиий ва суюлтирилган газ ҳамда электр энергияси учун истеъмол тўловлари қимматлашиши жараёни тўхтатилди. Нархлар оширилмади. Аммо бу жараён вақтинча ҳолати ёки доимийми? Бу ҳозирча номаълум. Айни пайтда шуни таъкидлаш керакки, газ ва электр энергияси учун нарх ва тарифларнинг йилгига камида икки марта оширилаётгани ва бу жараёнда аҳолининг реал даромадлари ҳисобга олинмаётгани жамоатчилик ўртасида турли норозиликларни келтириб чиқармоқда. “Бу соҳаларда нархлар кўтарилиши сабаблари нимада?” деган ҳақли саволлар пайдо бўлмоқда. Лекин бу саволлар аксарият ҳолларда жавобсиз қолмоқда.

Яна бир мулоҳаза. Республика Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги 897-сон қарориди асосий эътибор газ ва электр энергияси учун истеъмол

тўловларини босқичма-босқич ошириш билангина қиёфаланиб қолмаган. Унда бу соҳаларда нарх-наволарни оширишдан ташқари яна бир масалага эътибор қаратилган. Бу борада қарорда, жумладан, бундай дейилади: “2019 йилнинг 1 январидан бошлаб эксперимент тариқасида Ташкент шаҳрининг Юнусобод туманида қуйидагилар жорий этилсин:

а) аҳоли истеъмоли учун электр энергияси базавий нормаси ойига бир абонентга 300 квт-соат; б) аҳоли истеъмоли учун табиий газнинг базавий нормаси: иситиш мавсуми даврида якка тартибда иситиладиган уйлар ва квартираларда яшайдиган бир абонентга ойига 1000 куб метр; бошқа ҳолатларда бир абонентга ойига 250 куб метр; в) аҳоли билан электр энергияси ва табиий газ учун ҳисоб-китобларни амалга оширишда: базавий норма доирасида — белгиланган тариф бўйича; базавий нормадан ортиган қисми учун — белгиланган тарифга 1,2 барабар ошириш коэффицентини қўллаш. “Ўзбекнефтегаз” АЖ, “Ўзбекэнерго” АЖ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги 2019 йилнинг 1 июлига қадар электр энергияси ва табиий газ истеъмоли базавий нормаларини амалда қўлланишини ўрганиш натижаларига кўра келгусида истеъмол базавий нормаларини қўллаш бўйича Вазирлар Маҳкамасига аниқ таклифлар киритсин”.

Юқоридаги ташкилотлар, вазирликларнинг 1 июлга қадар Вазирлар Маҳкамасига бу эксперимент (тажриба) бўйича қандай таклифлар беришини билмаймиз. Аммо қарорнинг бу қисмининг асл моҳияти нимадан иборат? Нима учун эксперимент жараёнида ҳар бир абонентга базавий норма белгиланмоқда? Келинг, бу масалага оддийроқ йўсинда назар таштайлик.

Агар Вазирлар Маҳкамасининг бу қарори бўйича газ ва электр энергияси истеъмоли нархлари оша-



диган бўлса, газ учун базавий норма 1000 куб метр бўлганда, истеъмолчи шунча миқдорда газдан фойдаланса, 350 минг сўм пул тўлайди. Агар истеъмолчи 2000 куб метр газдан фойдаланса, базавий нормадан ташқари 1000 куб метрига 350 минг сўм эмас, 420 минг сўм пул тўлайди. Яъни, истеъмолчига 2000 куб метр табиий газ 770 минг сўмга етказиб берилади. Базавий норма бўлмаганда 2000 куб метр табиий газнинг нархи истеъмолчи учун 700 минг сўмни ташкил этган бўларди. Электр энергияси тўловида ҳам худди шундай ҳолат юзага келади. Агар истеъмолчи базавий нормадаги 300 квт-соат энергияни ишлатса, янгиланиши кутиладиган тариф бўйича унинг нархи 84 минг сўм бўлади. Истеъмолчи 600 квт-соат энергиядан фойдаланса, 168 минг сўм эмас, 184800 сўм пул тўлашга мажбур бўлади.

Бундан ташқари, қарорнинг бу қисмида тилга олинган базавий норма ҳар бир абонентга мўлжаллаб белгиланган. Бу ерда “ҳар бир абонент” сўзига алоҳида эътибор қаратилганлиги ҳам бежиз эмас. Бир абонент эса баъзан икки-уч одамдан, баъзан 15-20 кишидан иборат бўлиши мумкин. Халқимиз, миллатимиз бир хонадонда, яъни бир абонент доирасида кўпчилик бўлиб яшайди. Юқоридаги базавий нормалар эса якка тартибдаги уйлар ва турли ҳажмдаги квартиралар учун бир хил, уйлар ва квартиралар квадрат метри ҳамда уларда яшаётган инсонлар сони ҳисобга олинмасдан белгиланган.

Масалан, бир хонали икки киши яшайдиган хонадон ҳам бир абонент ҳисобланади, уч-тўрт оила истиқомат қиладиган ҳовли ҳам бир абонент ҳисобланади. Улар учун эса бир хил базавий норма қўйилган. Ёки ҳовлиларда иссиқ сув газ ёки электр энергия ёрдамида иситилади. Одам сонига қараб энергия истеъмоли ҳам ошиб боради. Натижада якка тартибдаги хонадонларда ва кўп

қаватли уйлардаги квадрат метри катта бўлган квартираларда яшовчи фуқаролар электр энергия ва табиий газ истеъмолини тежашга қанча ҳаракат қилсалар ҳам нормадан ортиқ сарфлашга ва ортиқча маблағ тўлашга мажбур бўладилар. Бу эса аҳолининг турли қатламлари ўртасида адолатсизликни келтириб чиқаради. Шунинг учун агар бундай базавий норма қабул қилиниши зарур бўлса, шу ҳолатда мавжуд бўлган тенгсизликни, адолатсизликни бартараф этиш керак. Яъни, базавий нормани абонентга эмас, одам сонига қараб белгилаш зарур.

Умуман олганда, Вазирлар Маҳкамасининг қароридида эксперимент тариқасида ҳар бир абонентга белгиланиши режалаштирилаётган базавий норма асосида қандай мақсад ётибди? Мақсад битта — табиий газ ва электр энергияси истеъмоли учун нарх ва тарифларни яна бир бор оширишдан иборат. Бугун Юнусобод тумани аҳолиси бошига тушиб турган бу тажриба, муаммо келгусида бутун мамлакатимиз аҳолисининг ташвишига айланмаса эди...

Сўзимиз бошида ҳар бир мамлакатда қабул қилинган қонун ва қонун ости ҳужжатлари давлат ҳамда халқ манфаатлари учун, юртининг, эл-улуснинг ободлиги, равнақини таъминлаш учун хизмат қилади, деган фикрни айтган эдик. Шу сабабли республика Вазирлар Маҳкамасининг “Ёқилғи-энергетика ресурсларининг нарх ва тарифларини босқичма-босқич ўзгартириш тўғрисида”ги 897-сонли қарорини ҳам бир жиҳатдан давлат манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида қабул қилинган ҳужжат, деб баҳолаш мумкин. Лекин ҳар қандай мамлакатда давлат манфаатлари халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда намоён бўлади. Давлат манфаатларини ҳимоя қилиш халқ манфаатларини ҳимоя қилишдан бошланади. Шунинг учун ҳам Президентимиз ҳар бир маърузасида “Халқ бой бўлса, давлат бой бўлади”, деган фикрни такрор-такрор таъкидлайди. Шундай экан, Вазирлар Маҳкамасининг халқнинг норозилиklarига сабаб бўлаётган, табиий газ ва электр энергияси учун истеъмол тўловларини икки марта — ҳам тўғридан-тўғри, ҳам базавий норма асосида ошириш билан боғлиқ 897-сонли қарорини қандай баҳолаш мумкин? Бу қарор кимнинг манфаатини ҳимоя қилади?

Камол Муҳаммад ЁҚУБ

Дунё хабарлари



“РИА Новости” хабарига кўра, АҚШ президенти Дональд Трамп Флоридада тарафдорлари олдидидаги чиқиши чоғида 2020 йилдаги президентлик сайловларида иштирок этишини расман эълон қилди.

Трамп маъмуриятининг айтишича, икки ярим йил давомида амалга оширган ишларни шу пайтгача ҳеч ким уddaлай олмаган.

АҚШ президентлиги лавозимига Трампдан ташқари Республикачилар партиясидан Массачусетс штатининг собиқ губернатори 73 ёшли Уильям Уэлд даъвогарлик қилмоқда. АҚШ Демократик партиясидан 20 дан ортиқ сиёсатчи бўлажак президентлик пойғасида иштирок этиш ниятини билдирди. Улар орасида — Вермонт штатидан сенатор Берни Сандерс, АҚШ собиқ вице-президенти Джо Байден ва Нью-Йоркнинг амалдаги мэри Билл де Блазио бор.



“Zakon.kz”нинг хабарига кўра, Қозоғистонда янги тайинланган вазирлар — Асхат Аймағамбетов, Мағзум Мирзағалиев ва Ақтотти Раимқуловлар қасамёд қилган.

“Президент фармониға кўра, янги вазирликлар ташкил этилиб, уларға раҳбарлар тайинланди. Бахит Султонов — Савдо ва интеграция вазирлиги, Мағзум Мирзағалиев — Экология ва табиий ресурслар вазирлиги бўлди. Шу билан бирга, Асхат Аймағамбетов — фан ва таълим вазирлиги, Ақтотти Раимқулова — спорт ва маданият вазирлиги бўлди. Президент томонидан биринчи марта вазир лавозимига тайинланганлар қасамёд қилишлари лозим”, деб таъкидлаган мамлакат бош вазирлиги Асқар Мамин.

АҚШ хабарига кўра, Британия бош вазирлиги лавозими учун курашнинг якуний босқичи бошланди.

Унда собиқ ташқи ишлар вазирлиги Борис Джонсон ва амалдаги ташқи ишлар вазирлиги, Консерватив партия етакчиси Жереми Хант майдонга чиқдилар. Бунда овоз беришнинг 20 июнда ўтган 5-босқичи натижалари ўз аксини топган. Яъни Джонсонга 313 депутатдан 160 нафари, Хант учун эса 77 нафари овоз берган.

Энди бош вазир лавозимини ким эгаллаши Консерватив партиянинг 160 минг аъзоси орасида почта орқали овоз бериш билан аниқланади. Бунга бир ой вақт берилади, янги бош вазир номи эса июль охирида эълон қилинади.

Хант Джонсондан анча ортида қолаётганини ҳисобга олиб, рақиб фойдасига номзодини овоз беришдан оладиган вазият ҳам рўй бериши мумкин. Айнан шундай вазият 2016 йилда Тереза Мэйнинг рақиб Андрей Лидсон ўз номзодини овоз беришдан олиб, Мэйни бош вазир лавозимига ягона номзод бўлиб қолганида юз берган.

“Nur.kz” хабар беришича, 20 июнь кунини янги жаҳон рекорди янгиланди. Қувайтда дунёда қачонлардир қайд этилган энг юқори ҳарорат — Цельсий бўйича 63 даража иссиқлик кузатилди.

8 июнь кунини термометрлар салқин жойда 52,2 даража иссиқни, қуёшли жойда эса 63 даража иссиқни кўрсатган. Бундай ҳарорат туфайли камиди 5 киши ҳалок бўлган ва ҳужумат аҳолини ташқарига чиқмасликка ва кўпроқ сув ичишга чақирмоқда.

Авалги температура рекорди Калифорниядаги Улим водийсида 1913 йилнинг 10 июлида кузатилган бўлиб, ҳаво ҳарорати 56,7 даража иссиқ бўлган.

Утган кунини 68 даража иссиқ бўлиш прогнози аҳолини янада хавотирга солмоқда.

“112 Украина” телеканални маълум қилишича, Украина президенти Владимир Зеленский жамоаси Россия президенти Владимир Путин билан учрашувга тайёргарлик кўрмоқда. Бу ҳақда Украина олий радаси депутаты Михаил Поплавский эфирда маълум қилди.

Украина етакчиси учрашувда кўтарилган бош мавзу Донбасс ва Қримнинг Украинага тегишлилиги бўлади. Депутатнинг таъкидлашича, Зеленский Украина жануби-шарқда ўт очиниш тўхтатишдаги ўз тарихий миссиясини тушунади ва бу масалани бевосита Путин билан ҳал қилишга тайёр.

Поплавский маълумотларига кўра, Зеленский жамоаси “аниқ натижалар”га эришмоқчи. “Шунчаки келиш етарли эмас, таклифлар зарур, дипломатик каналларни келишиб олиш лозим”, деб айтган депутат.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

ЖИНОЯТ ҲАҚИҚАТИ ВА АДОЛАТ

Ёзёвон туманидаги “Иттифок” маҳалла фуқаролар йиғини биносидида бўлиб ўтган сайёр суд мажлисида Толибжон Адхамовнинг (исм-фамилиялар ўзгартирилган) жиноят иши кўрилди. Таъкидлаб ўтиш жоизки, маҳалла, корхона ва ташкилотларда ўтказилиши йўлга қўйилган сайёр суд мажлислари тизимнинг очиклигини таъминлаш билан бирга, кенг жамоатчиликнинг суд тизимига ишончини оширишга, ёшлар онгига ҳар қандай жиноятга жазо муқаррар эканини сингдиришга ҳам хизмат қилади.

Судланувчи Т.Адхамовга келадиган бўлса, у оилали, тўрт нафар фарзанднинг отаси, бир сўз билан айтганда, оқни қорадан, қорани оқдан фарқлай оладиган ёшда. Устига-устак олий маълумотли бўла туриб, чет эл валюта қимматликларининг қонунга хилоф олди-сотдиси билан шуғулланиш жиноят эканини билмаслиги мумкинми? Йўқ, албатта.

Т.Адхамов 2019 йил 26 январь кунини Қува тумани марказидаги “қора бозор”да фуқаро С.Абдувалиевага 4 500 АҚШ долларини 38 160 000 сўмга сотишга келишиб, сўнгга ундан 38 000 000 сўм олади ва иккиси “Матиз” русумли йўловчи автомобилда “Галаба” кўчасидаги 84-уйга боришади. Т.Адхамов уйига пулларни ташлаб чиқади. “Қора бозор”га қайтиб келган, С.Абдувалиевага 3 000 АҚШ доллари бериб, қолган 1 500 АҚШ долларини эртаси кунини, яна 160 000 сўм олиб келганидан кейин беришини айтади.

Валютафуруш қилмишидан пушаймон

Шу пайт Бош прокуратура ҳузуридаги департаментнинг Қува тумани бўлими ходимлари келиб, унга нисбатан тезкор тадбир ўтказилганини баён этишади. Т.Адхамовдан 4 700 000 сўм ва уйига ташлаб чиққан 38 000 000 сўм ҳамда С.Абдувалиевага берган 3 000 АҚШ доллари ашёвий далил тариқасида олинади. Дастлабки терговда Т.Адхамовдан ашёвий далил тариқасида олинган 4 700 000 сўм отаси томонидан унга йиғиб, сақлаб туриш учун

берилган пенсия пуллари экани аниқланган. Жиноят ишлари бўйича Ёзёвон тумани судининг сайёр суд мажлисида Т.Адхамовга оид жиноят иши қўриб чиқилди. Судланувчи судда айбига тўлиқ иқроқ бўлиб, қилмишидан пушаймонлигини билдириб, энгиллик беришни сўради.

Т.Адхамовга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 177-моддаси 2-қисми билан яшаш жойини у ёки бу сабаб билан сулканинг соат 22 дан

соат 6 га қадар тарқ этишни таъкидлашдан иборат икки йил озодлиқни чеклаш жазоси тайинланди. Ҳукм ижросини таъминлаш Ёзёвон тумани ИИБ зиммасига юклатилди. “Ипотека-банк” АТБнинг Фарғона филиали ҳисоб-рақамига топширилган 4 700 000 сўм қонуний эгасига қайтарилди.

Ойбек ХОЛМАТОВ, Ёзёвон тумани прокурори ёрдамчиси

КОЗОҚБОЙ ЙЎЛДОШ 70 ЁШДА

Адабиёт ёш ўтган сари қаримайди. Уни истёъдодсизлик, дидсизлик, савиясизлик ва бадбинлик қаритади. Адабиёт ёшга қараб яшармайди, уни истёъдодлар, асарлар яшартиради. Истёъдод ва асарларни эса хайрихоҳлик яшартиради. Хайрихоҳлик бор экан, адабиёт ҳамisha янги асарлар ва истёъдодлар билан бойийверади.

Мен ўттиз йилдан бери ана шундай адабиётнинг эртасига чин дилдан хайрихоҳ бўлган одамни биламан. Бу — Қозоқбой Йўлдош.

«ЎҚИРМАН»

ТАНҚИДЧИ

ёки замонавий адабиётимиз синчиси

Колхоз фермасида ишлаган йиллари отам Тожи деган чўпонни "Худо берган синчи, отнинг қанақалигини бир кўз ташлаб билади-қўяди," дерди. Отбоқар уни фермага тез-тез чақирар, уч-тўрт ойлик қулунларни кўрсатиб, "син" оларди. Бир марта ўзим ҳам гувоҳ бўлганман: Тожи чўпон қулунларга узокдан тикилиб турган, қадам босишини қузатган, кейин тойчоқнинг кўкрагига бошини қўйиб, унинг "ичига қулоқ солган", тишларини кўрган, яғринини қаричлаб ўлчаган, ёлини, энгачини кўздан кечирган, охири "Бу тойчоқ зотдор-у, лекин касали бор, Замон духтурни чақир, кўриб қўйсин", "Бу қулун кўриниши савлатли бўлгани билан пўка, кўпкарига қўшиб бўлмайди", "Бу тойчоқ жуда ювош от бўлади, раисга айт, ўзига олиб қолсин!" деганди. Менга у қулун қорнига қулоғини қўйганча кўларини юмиб турган паллада жониворнинг бутун ички аъзоларини — юрагидан тортиб, ичак-чавоғига бирма-бир кўздан кечиргандай туюлганди. Отанинг айтишича, аслида ҳам шундай экан: синчи отларнинг ичини ҳам, келажагини ҳам кўриб тураркан. Тожи чўпон айтган қулунлар айнан у башорат қилгандай отлар бўлиб етишганда, хайратга тушиб, синчи бўлгим келиб қолган. "Синчилик" — тўғма истёъдод эканини, бундай маҳоратга ўқиб-ўрганиб, орзу қилиб эришиб бўлмаслигини кейинчалик, ақлимни танигач англаб етдим.

Ўша болалик хотираларининг таъсири бўлса керак, истёъдоднинг, адабиётнинг "ичи"ни биладиган танқидчилар менга Тожи синчинини эслатади.

Хоҳ истёъдод бўлсин, хоҳ асар бўлсин, Сўз санъатида пайдо бўлган адабий-бадий даъвонинг "ичак-чавоғи"га синчилик "кўра олиш", зоти-зуррияти, нимага яраши ёки ярамаслиги, қанча ва қарғачча югура олишини билиш, "юррак уриши"ни эшита олиш — адабий жараёнга ташхис қўйиши билан танқидчилар синчиларга ўхшаб кетади. Афсуски, барча соҳада бўлгани каби адабиётнинг ҳам худо берган "синчи"лариям ёки ўзларини "синчима" деб юрганлариям етарли.

30-40 йилдан зиёд ўзбек адабиётига синчилик қилиб келаётган, ўзининг савқи табиий "синчи" эканини аллақачон исботлаб бўлган Қозоқбой Йўлдош етмишга кириб қопти.

Қозоқбой Йўлдошни ўтган асрнинг 80-йиллари охиридан бери биламан. Бу адабиётшунос менда адабиёт мадоннида тўсатдан пайдо бўлган эртақдаги алпдек таассурот қолдирган. Чунки биз ТошДўда ўқиб юрганимизда савлатидан от хурқадиган машҳур адабиётшуслар сабоқ берар, ҳар бири қизиқини бахсларга сабаб билдирган бу валломатлар орасида Сирдарёда яшаб, ризқини қишлоқ одамлари ичида териб юрган, кейин бирдан шаҳарга келиб, жайдари фикрлари билан адабий жараёнда ўз ўрни борлигини "даъво" қилаётган Қозоқбой Йўлдошга нон қолмагандай эди.

Аммо адабиётнинг бағри кенг экан: Қозоқбой ака бор-йўғи иккита-учта мақоласи билан пойтахт адабий муҳитини "забт" этди. Адашмасам, ўша мақолалардан биттаси Рауф Парфи ва ёш шоирлар ижоди ҳақида эди. Кейинчалик акани Рауф Парфининг даврасида, хусусан, машҳур "Офиси"да тез-тез учрата бошладим. Бу табиий эди: Рауф Парфи 80-йиллар охири, 90-йиллар бошида адабий талотўмининг марказида турар, бадий дид ва савия ана шу давранинг хоҳиш-иродасига қараб белгиланар ва ўлчанарди. Илк танишганимизда, суну сўмбатига қараб, Қозоқбой Йўлдошни адабиётта энди кириб келаётган ёш танқидчилардан бўлса керак деб ўйлаганман. Кейин билсам, ака Сирдарё пединститутида ишларкан, 70-йиллардан бошлаб адабиётшунослик ва педагогикага оид мақолалари билан муносабат қатнашиб келаркан. Мана шунга ҳам 33 йил бўлибди.

Тўғриси айтсам, Қозоқбой аканинг етмишга кирганига одамнинг ишонгиси келмайди, бу кўнгил кўтарма гап эмас, хурматли адабиётшуносимизнинг, гарчи бу ҳам ҳақиқат бўлса-да, сун-сўмбати ёш кўрингани учун ҳам эмас. Балки ёзганлари, дунёқараш, адабиёт ҳақидаги фикрлари, умуман, адабиётга бўлган муносабати, энг муҳими, юқорида айтганимиздек, хайрихоҳлиги навқирон саклини қолаётгани учун. Айнан шу фазилатларига кўра шахсан менга Қозоқбой Йўлдош ўзим мансуб авлодга тенгдошдай туюлади. Яна шунга аминманки, биздан ўн-ўн беш ёш кичик авлод вакиллари ҳам акани ўзларига тенгдошдай тасаввур қилишади. Чунки аканинг ёзганлари бугун адабиёт остана-сида турганлардан тортиб, унинг тўрида ястаниб ўтириб олганларгача хос ва мос, адабиёт сахнасида турган барча авлоднинг, баланд-пастнинг бадий тахлилга — "синчиликка" бўлган эҳтиёжларини қондириб, қаноатлантириб келяпти.

Ҳар бир авлод вакили Қозоқбой ака билан бемалол адабиёт ҳақида ўз тенгдошдай фикрлашиши, мунозара қилиши, қарши мулоҳаза билдириши, фикрига қўшилмаслиги, ҳатто инкор қилиши мумкин. Шахсан мен ҳам аканинг қўллаб мулоҳазаларига қўшилмайман. Ҳамма гап шундаки, ака бундан асло хафа бўлмайди, иззат нафси "огримайди", аксинча, ўзидан ёшларнинг бу хил мунозарарапастлигидан завқи келиб, яйраб кетади. Айнан шу "йайраб кетиши" — унинг истёъдодларга тўғма хайрихоҳлигидан дарак. Қозоқбой Йўлдош билан адабиёт ҳақида, ҳатто у кишининг ёзганлари ҳақида ҳам бемалол баҳсга киришиш мумкин, шундай пайтларда аканинг ёши ҳам, профессорлиги ҳам, ўзидан кейин адабиёт эшигини қўқан авлодларга нисбатан анча "кўп йиртган қўйлақлари" ҳам ёдига тушмайди, бундай пайтда адабиётдан, бахс мавзусидан бошқа нарсани ўйламайди. Бу хислат акани бар-

ча авлоднинг тенгдоши, фикрдоши қилиб қўяди.

Шундай, истёъдоднинг, адабиётнинг ўз қонунияти бор: ижодкорни йиллар қарита олмайдди, уни фақат дид ва савия қаритиши мумкин. Агар савиясида "кексалик", "қаримсиклик" уфуриб турса, эндигина адабиётга кириб келганлар ҳам аллақачон қариб қолган бўлади. Дид ва фикр истёъдодни яшартириб туради, унинг танасини қаритса ҳам ўзини, руҳини қаритмайди.

Шу ўринда ўзбек адабиётшуносларининг, умуман, ёзувчи-шоирларининг ҳам бир масалага — дунё адабиётининг "модернизм", "постмодернизм" оқимига муносабатини эслаб ўтишга эҳтиёж бордай. Бунга ҳам Қозоқбой Йўлдошнинг фикрлари сабабчи. Гап шундаки, айнан шу масала, яъни "модернизмга" муносабат ҳам яна бир марта адабий муҳитнинг ёшини аниқлашда бир "барометр" бўлди, дейиш мумкин. Бу масалага ёндашувларига, муносабатларига, тахлилларига қараб, адабиётшуносларимизнинг, адибу шоирларимизнинг "адабий ёшини" аниқ тасаввур қилиш мумкин бўлиб қолди. Алмисокдан қолган важлар, шўро мафкуриси иси келиб турган рўқачлар, моҳиятини англамасдан қилинган мушоҳадалар, Сўз санъатидаги экспериментлардан чўчиш, оқимлардан ҳадиксираш — муҳитнинг "ёшини" саралаб қўйди. Бошқача айтганда, адабиётдаги ёш йиллар билан эмас, фикр ва дид билан ўлчаниши яна бир марта исбот қилинди.

Ана шу мунозараларда, менинг назаримда, Қозоқбой Йўлдош янаям навқирон қиёфага кирди. Эътиборлиси шундаки, аканинг айнан юқоридаги мавзу атрофида баҳс-мунозара авжига чиққан палла чоп этилган "Модернизм: илдиш, моҳият ва белгилар", "Постмодернизм: моҳият, илдишлар ва белгилар" номли мақолалари хурматли танқидчимизнинг дунё адабиёти микёсидаги "синчи" эканини кўрсатди. Тўғриси айтсам, шахсан мен аканинг иккита мақоласидаги бу икки оқим ҳақидаги айрим фикрлар ва қарашлар, ҳулосаларга қўшилмайман, лекин мақола бу икки оқимнинг моҳиятига етиб ёзилганининг ўзи хурматга сазовор. Гап шундаки, дунё адабиётдаги ҳар қандай оқим, йўналиш, "...изм"лар — бу ижодкорнинг шунчаки эрикиб кетганидан ёки "ўзига хослигини билдириш" учун қилинган изланишлар йиғиндиси эмас. Дунё адабиётдаги ҳар қандай "изм", ҳар қандай усул ва услублар ўз даври тафаккур тарзининг, шу даврда яшаган авлоднинг истак-хоҳишлари, ўзини ўраб турган воқеаларга муносабати инъикосдир. Ҳатто социалистик реализм ҳам. Социалистик реализм — бу дунё коммунистлик англаш ва тушуниш ҳосиласи. Социализм жамият сифатида ўлди, аммо бу услуб тарафдорлари ҳали ҳам жаҳон адабиётда мавжуд. Улар ҳали-ҳануз бу услубни изчил ҳимоя қилиб келяпти. Умуман, дунё-

ни, ҳаётни, давр силсиласини мушоҳада қилиш, англаш, унга муносабатда бўлиш акс-садоси бўлиб, санъатда ҳам, адабиётда ҳам қўллаб оқимлар, "изм"лар пайдо бўлган ва бўлаверадилар. Адабиётдаги янгилинишлар, аввало, жамият тафаккурининг эҳтиёжи махсули эканини тан олсаккина, оқимларнинг адабиётдаги ўрнига тўғри баҳо бера оламиз. Модернизм ҳам, постмодернизм ҳам бу XX аср тафаккур тарзининг, хоҳиш-истакларининг, дунёга, одамга, оламга муносабатининг амалиётда, санъатда, хусусан, адабиётда намоён бўлишидир. Қозоқбой Йўлдош юқоридаги икки мақола-сида адабиётдаги услуб ва оқимлар пайдо бўлиши, яшаб қолиши ёки инкор этилишини ана шу асослардан келиб чиқиб, таҳлил қиладики, бу билан, биринчидан, оқимларнинг моҳиятини кўра олади, иккинчидан, айнан шу масалада алмисокдан қолган мулоҳазалар атрофида ўралашиб қолганларга нисбатан бадий таххисни тўғри қўяди, яъни дид ва Сўз санъатига муносабат борасида ижтимоий Фикрни яшартиради.

Дунё адабиётшунослигида "Танқидчи" — ўзи ўқиган китобни бошқаларни ҳам ўқишга мажбурлай олган энг жўшқин ўқувчи" деган гап юради. Агар шу фикрдан келиб чиқадиган бўлсак, Қозоқбой Йўлдош давримизнинг энг кўп китоб ўқиган ўқувчиси, ўзининг ибораси билан айтганда, "ўқирман"и бўлиб чиқади. Табиатида мавжудлигидан бўлса керак, Қозоқбой Йўлдош ҳамма нарсадан, табиийки, сўздан ҳам, аввало, самимият ва жайдариллик излайди. Айнан шу хислати мақолалар ва тахлиллардаги адабий концепция-сига ҳам, ҳаётий фалсафасига ҳам хос. Ўзи тўғри деб билган фикрни юзинг-кўзинг демай бетингга шартта айтаверади, бадииятга амал-мартабасига қараб "таххис" қўймайди. Айнан шу туфайли ака ҳам ёшлар учун, ҳам бугун адабиётда суяғи қотганлар, умуман, "қотиб қолганлар" учун ҳам бирдай қадри: бугунги кунда адабий муҳитда ҳар бир авлод "Қозоқбой Йўлдош қандай фикрда экан?" деб юрак ҳовучлаб туриши — бор гап. Ана шунинг ўзиёқ аканинг адабиётда, адабиётшуносликда ўрни, мақоми қай даражада эканини билдириб туради. Аканинг яна бир "жайдариллиги" бор — ўзига ёққан асарни бошқа ҳеч кимга ёқмаса ҳам ўрлик билан ҳимоя қилаверади: минг уринганингиз билан барибир фикрдан қайтаролмайсиз, инчунин, шу фикрга қелишига мустаҳкам асос, мантқик ҳам топа олади. Тўғри, баҳс қилишга, мунозараларга, қарши фикр билдиришга қарши бўлмайди, ҳатто бунга имконият ҳам яратади. Аммо асло ўзи тўғри деб билган фикрдан Қозоқбой акани қайтариб бўлмайди. Бу ўрлиги битта нарсадан — бугунги кунда адабий танқид учун русумга кирган гуруҳбозлик, дарабозлик, мафкурабозлик, жўрабозлик, амалбозлик юзасидан эмас, балки англаб, ҳис қилиб, ақл ва идрок, мантқик ва виждон тарозисидан ўтказиб, Сўзнинг муқаддаслигини англаб, кейин шу тўхтамага — шу фикрга келгани билдиради. Хуллас, "ошинг ҳалол бўлса, кўчада ич" деганларидай, ака "ошини" адабиёт кўчасида ёшу қарига кўринарли қилиб, "ичади". Айнан шунинг учун ҳам бугунги адабий танқидни, адабий жараёнинг паст-баландини Қозоқбой Йўлдош муносабатисиз, бу олимнинг "таххисисиз", "синчилигисиз" тўлақонли тасаввур қилиб бўлмайди. Бугунги адабий жараёнга хос барча нарсаси, барча йўналишлар, барча жанрлар, барча адабий "касалик"лар, касаллик "синдромлари", умуман, бугунги замонавий адабиётга нима хос бўлса, ҳаммасини Қозоқбой Йўлдош тахлилларидан топиш мумкин. Олимимиз постмодернизмдан тортиб, мумтоз адабиёт намуналарига фикр билдира оладиган даражада билим доираси кенг адабиётшунослардан саналади ва неча ёшга киришидан қатъи назар, навқирон "синчи", навқирон "ўқирман" бўлиб қолаверади.

Назар ЭШОНҚУЛ

МАДАНИЯТ ХАБАРЛАРИ

"Dunyo" АА хабар беришича, Германиянинг Реда-Виденбрюк шаҳрида Халқаро маданиятлар байрами бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистоннинг Франкфурт-Майн шаҳридаги Бош консулхонаси вакиллари ҳам иштирок этди. Халқимизнинг бой тарихи, замонавий ривожланиш босқичлари, бетакрор маданияти ва урф-одатлари, Самарқанд, Бухоро, Хива каби қадимий шаҳарлардаги меъморий обидалар тақдиротини ўтказди.

Германияда Ўзбекистон маданияти кўргазмаси



Германия Бундестаги ва Шимолий Рейн-Вестфалия Федерал ўлкаси депутатлари, сиёсий ва ишбилармон доиралар, жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашган тадбирда мамлакатимиз дипломатик миссияси ходимлари "Exo10r" маданиятларо жамияти билан ҳамкорликда кўргазма ташкил қилди. Ёғоч ўймакорлиги ва мисгарлик, сопол ва чинни буюмлар, адрас каби миллий матолар, сўзаналар, ипакдан тайёрланган ҳунармандчилик намуналарини намойиш этди.

Анжуман қатнашчиларида зардўзи ва сўзана дўппилар, уларнинг тикилиш услуби, нақшлардаги бетакрорлик катта қизиқиш уйғотди.

— Шаҳримизда 50 дан ортиқ миллат вакиллари ахилликда яшайди ва улар орасида ўзбек оилалари ҳам бор, — дейди Реда-Виденбрюк шаҳридаги бошланғич таълим муассасаси ходими Хелга Винтер. — Ўзбек халқи меҳмондўстлиги, турфа миллий таомлари, сархил ва хуштаъм мевалари билан машҳур. Бугунги тадбир доирасида эса халқимизнинг тарихи ва аъёнлари билан яқиндан танишиш имконига эга бўлди.

"Exo10r" маданиятларо жамияти ўзбек миллий рақс тўғараги иштирокчиларининг мусикали чиқишлари тадбирга ўзгача шуқуқ бахш этди.

«Дунёнинг бир чеккаси» Японияда

Яқинда Япониянинг Loaded films ltd компанияси билан ҳамкорликда суратга олинган «Дунёнинг бир чеккаси» бадий фильмининг премьераси Токио шаҳрида бўлиб ўтди.



Юртимиз ҳудудида суратга олинган ушбу тўлиқ метрлик бадий фильм муаллиф ва режиссёр Киёши Куросаванинг сценарийси асосида яратилган. Ушбу фильм тақдирот маросими Токионинг бир қатор кинотеатрларида юқори савияда ўтказилди.

Шундан сўнг япониялик журналистлар ва ОАВ ходимлари билан «Сранк ин» интернет-нашриётида матбуот анжумани ўтказилди. Анжуманда фильм ижодкорларидан Киёши Куросава, Ацүко Маэда, Рё Касе, Шота Сометани, Токио Эмото ва ўзбекистонлик делегация вакиллари иштирок этишди.

Тадбирларда Ўзбекистоннинг Япониядаги элчиси Ғайрат Фозилов, «Ўзбекино» Миллий агентлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари Феруза Тўрақўжаева, актёр Адиз Ражабовлар иштирок этишди, деб хабар беради «Ўзбекино» МА матбуот хизмати.

ТАФАККУР

Китоблар замон тўқинларида сузувчи ва ўзининг қимматбаҳо юқини авлодлардан-авлодларга авайлаб элтувчи тафаккур кемаларидир.

Ф.БЭҚОН

Китоб инсоният ижодиётининг чинакам ҳайратланарли ва эътиборга лойиқ кўринишидир. Китобларда кечмиш замонларнинг ақл-идроқи яшайди; хоки тупроқлари туш сингари аллақачонлар тўғри кетган одамларнинг овози бурро ва аниқ янграб туради. Инсоният яратган, қайта-қайта ўйлаб кўрган ва у эришган нарсаларнинг бари — худди сеҳрли сандиқдай китоблар саҳифасида сақланиб қолган.

Т.КАРЛЕЙ

Китоблар орзу-истак туғдиради, уни ҳаётга чорлайди, кишини фикрлашга мажбур этади, муҳокамаларда мустақил бўлиш қобилиятини тарбиялайди.

С.Т.СТРУМИЛИН

Китоблар роят зўр дўстларимиздир. Уларга ҳаётнинг ҳамма қийин дақиқаларида ҳам ишонса бўлади. Улар ҳеч вақт ҳиёнат қилмайди.

А.ДОДЭ

МУАССИС:

Ўзбекистон «Адолат» СДП
Сийёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: **Ислом ҲАМРОЕВ**

Таҳрир хайъати:

Наримон УМАРОВ
Мухаммад АЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Мухаррам ДАДАХОДЖАЕВА
Қодир ЖҲРАЕВ

Тошпўлат МАТИБАЕВ
Талъат МУРОДОВ
Абдукамола РАҲМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ
Алишер ШОДМОНОВ
Шухрат ЯКУБОВ

Бўлимлар:

Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 71 288-46-54 (149); Котибият — 71 288-42-14 (144); Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 71 288-42-12 (144); Қабулхона — 71 288-42-12 (141) факс; Реклама бўлими — 71 288-42-14 (144); 90 900-72-15

Навбатчи муҳаррир — Дилором Матқаримова
Навбатчи — Бобиржон Тунгатов

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қозғ бичими А-2. Ҳажми — 4 босма тобқ. Офсет услубида босилган. Буюртма Г — 600.
«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилади.
Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюқ Турон кўчаси, 41-уй.
Адаби — 3278
Босишга топшириш вақти — 00.45
Босишга топширишда — 2.22
Баҳоси келишилган нарха

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
Таҳририят манзили: 100043
Чилонзор тумани «Шарқ тоғи» кўчаси, 23-уй.
info@adolat.uz
adolat@95@mail.ru

Таҳририятга келган қўғмазар тақри қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобкор эмас.
Газетанинг етказиб берилиши учун оубунали расмийлаштирган ташкилот жавобкор.

НАШР
КЎРСАТКИЧИ: 100
ISSN 2073-5237
1 2 4 5 6